

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2015 № 1 (118)

1995 йилдан чиқа бошлаган

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ

Мавжуда РАЖАБОВА

Қўчқор ТОҒАЕВ

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Холмўмин ЁДГОРОВ

Файрат ХИДОЯТОВ

Журнал 2007 йил 19 апрелда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг
2004 йил 17 декабрдаги
110/4-сонли қарорига
асосан ҳуқуқий, илмий-
амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 24.03.2015 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Элбек кўчаси, 8-уй.
Адади: 7215 нусха.
Буюртма № 30.

МУНДАРИЖА

2. **Н.ЖЎРАЕВ.**
Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишининг бош мақсади
5. **М.МИРАКУЛОВ.**
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари
9. **Х.ЁДГОРОВ.**
Ворислик ҳуқуқи
18. **М.НАЗАРОВ.**
«Хабеас корпус» институти
21. **Х.ЁДГОРОВ.**
Суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш: бугунги натижалар ва истиқбол режалари
25. **М.АСАТУЛЛАЕВ.**
Судьялар мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси
27. **А.МУҲАММАДИЕВ.**
Эҳтиёт чораси тариқасида уй қамоғи тушунчаси ва моҳияти
29. **Б.МУРОДОВ.**
Жиноят ишлари тугатиши асослари
31. **М.ҲАКИМОВ.**
Шартли ҳукм қилиш институтининг аҳамияти
33. *Суд амалиёти*
40. **Д.БЕКМАТОВА.**
Оммавий айблов — айбловнинг тури сифатида

СОДЕРЖАНИЕ

45. **Н.ЭШОНКУЛОВА.**
Конституционно — правовые основы межпарламентских отношений Олий Мажлиса Республики Узбекистан
47. **Д.СОТИБОЛДИЕВ.**
Зарубежный опыт внедрения современных информационно — коммуникационных технологий
51. **И.АБДУВАХАБОВ, А. МАХМУДОВ.**
Дальнейшее совершенствование контрольных полномочий органов представительной власти на местах — требование времени
53. **А.МИРЗАЕВ, А.ХУСАНОВ, У.ТУХТАШЕВА.**
О некоторых направлениях совершенствования уголовного законодательства Узбекистана

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларининг либераллаштирилиши ғоятда муҳим аҳамият касб этди. Бу ўзгаришларнинг барчаси юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг бош мақсади

Нодиржон ЖЎРАЕВ,

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори

Авваламбор, Конституция-миз негизида жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич соддалаштирилди. Жумладан, умумюрисдикция судларининг ихтисослашуви амалга оширилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилди.

Судларнинг иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарима тарзидаги жазоларни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Жиноий жазолар тизими янада либераллаштирилиб, ўлим жазоси бекор қилинди, ярашув институти жорий этилди.

Шунингдек, "Хабеас корпус" институти қўлланила бошланди. Яъни қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан чет-

лаштириш ва тиббий муас-сасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Прокурор ва адвокатнинг жиноят ҳамда фуқаролик жараёнларининг барча босқичларидаги тортишувлари тенглиги янада мустаҳкамланди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди. Ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, фуқаролик судида ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган усуллари жорий этилди.

Президентимизнинг **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш-ни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"** ва **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармонлари қабул қилингани бу борада, айниқса, муҳим

аҳамият касб этди. Жумладан, судья лавозимига илк бор тайинланаётган шахслар учун ёш цензи 25 ёшдан 30 ёшга кўтарилди, беш йиллик юридик иш стажи шарт қилиб қўйилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига жиноят иши қўзғатиш, иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшитириш сингари ҳуқуқларнинг судлар ваколатидан чиқарилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилди.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Бу йўналишдаги ислохотларни изчиллик билан да-

вом эттириш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида, Президентимизнинг 2008 йил 23 июнда қабул қилинган қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди.

Тадқиқот марказининг асосий вазифалари ҳақида сўз борганда, аввало, Конституцияимизнинг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал қонунчилигини, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган муҳим масалаларни қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот маркази, шунингдек, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралаштириш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар тайёрлаш, суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф

этилган принцип ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Бундан ташқари одил судлов соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини рўёбга чиқариш, суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ҳам Марказ зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Тадқиқот марказида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва қабул қилинган барча қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида акс эттирган ҳамда суд қонунчилигини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган маълумотлар базаси ташкил этилган. Ўтган қисқа даврда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, илмий тадқиқотлар олиб бориш борасида муайян натижаларга эришилди. Биргина 2014 йил давомида суд фаолиятига оид қонунчилик соҳалари бўйича 21 та мавзуда тизимли таҳлиллар амалга оширилди.

Хусусан, судлар томонидан низоларни ҳал этишда экспертиза тайинлаш билан боғлиқ миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш жараёнида мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчилик нормалари атрофича таҳлил қилинди. Суд экспертизаларининг моҳияти ва унинг низоларни тўғри ҳал этишдаги аҳамияти, хорижий мамлакатларнинг қонунчилик йўли билан тартибга солиш амалиёти ҳамда соҳадаги

суд амалиёти тизимли равишда ўрганиб чиқилди.

Ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Тадқиқот маркази томонидан 2014 йилда 9 марта бевосита мониторинг тадқиқотлари ўтказилди. Бу мониторинглар натижасида қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Тадқиқот маркази томонидан жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, хўжалик-процессуал қонунчилигини, суд ишларини юритишни соддалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундан ташқари Тадқиқот маркази томонидан биргина ўтган йилнинг ўзида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси амалга оширилди ва уларга тегишли ҳулосалар тақдим этилди.

Шунингдек, Тадқиқот маркази томонидан тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисида асосли таклифлар тайёрланади. Биргина 2014 йилда 30 га яқин шундай таҳлиллар амалга оширилди.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари ва амалиётини ўрганиш ишлари бевосита ушбу мамлакатларга ташкил этилган ташрифлар доира-

сида амалга оширилмоқда. Ўтган йили Тадқиқот маркази ходимлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Финляндия, Швеция, Нидерландия, Испания, Португалия, Польша, Венгрия, Дания, Жанубий Корея ва Японияда хизмат сафарига бўлиб, бу давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиб қайтдилар. Шунинг негизидан миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор амалий тақлифлар ва қонун лойиҳалари ишлаб чиқилгани диққатга лойиқдир.

Одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўйбга чиқариш борасида ҳам самарали иш олиб борилмоқда. Тадқиқот маркази томонидан 20 га яқин халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича кўшма лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқаро ташкилотлар иштирокида амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири — бу Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларини амалга оширишда кўмаклашиш" лойиҳасидир. Ушбу лойиҳанинг асосий йўналишларидан бири судлар фаолиятига ахборот технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Жумладан, лойиҳанинг бошланғич жараёнида Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар судлари танлаб олинган бўлиб, уларни 2015 йилда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳоз-

лаш режалаштирилган.

Бундан ташқари БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Фуқаролик суд ишларини юритишни ислох қилиш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси доирасида фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлари судида "E-SUD" электрон судлов ахборот тизими муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда "E-SUD" электрон судлов ахборот тизими доирасида, шунингдек, давлат божини электрон шаклда тўлаш имкониятини берувчи "онлайн" тизим ишлаб чиқилмоқда.

Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган тадбирларни ўтказиш борасида Тадқиқот маркази хорижий ва миллий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар аҳамиятига бағишлаб ўтказилган бир қатор халқаро конференция, семинар ва давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Айниқса, ўтган йили "Суд ҳокимиятини изчил мустаҳкамлаш: суд мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш", "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг моҳияти ва аҳамияти", "Суд ҳукмининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлари" каби ўндан ортиқ мавзуларда турли анжуманлар ўтказилиб, қонун ҳужжатларини ва суд амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари 2014

йилда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда 80 га яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Шунингдек, Тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий суд, Конституциявий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент Давлат юридик университети каби нуфузли давлат органлари ва илмий муассасалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйилгани амалда кутилган натижаларни бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тадқиқот марказига юклатилган вазифаларнинг асосий мақсади суд ҳокимиятининг обрўсини ва мустақиллигини ошириш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниётларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Миравзал МИРАКУЛОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси
мустақил изланувчиси,
юримдик фанлар номзоди*

Авалло шуни айтиш керакки, амалдаги қонунларимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган. Хусусан, номзодларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқи улар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайловолди ташвиқоти - сайлов кампаниясининг муҳим босқичи бўлиб, номзодларга сайловда ғолиб чиқиш учун ўз билим ва салоҳиятини намоён қилишга, сайловчиларга ўзининг дастури, келгусидаги истиқболли режаларини маълум қилишга имкон берувчи сайловолди тадбири ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга тенг ҳуқуқлилик асосида сайловолди ташвиқоти юритишни кафолатлайди. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби-

дан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вази-фаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида билан боғлиқ норма Меҳнат кодексининг 165-модда-сида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссияси-ни дарҳол хабардор этади. Номзодларга бундай ҳуқуқнинг кафолатланиши номзоднинг асосиз таъқиб этилиши, шунингдек, ноқонуний жиний ёки маъмурий жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Бу уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чоралардан ҳисобланиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиладиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари у ёки бу номзоднинг муваффақият қозониши ёхуд зарур овозлар миқдори ололмастигида муҳим роль ўйнаши мумкин. Чунки сайловолди учрашувлари ва йиғилишларида юзлаб сайловчилар иштирок этса, оммавий ахборот воситалари орқали миллионлаб сайловчиларга маълумот етказиб берилади. Шу сабабли Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг барчаси ўз сайловолди ташвиқотларини юритиши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгаллигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 14 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида"ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 10 саҳифа нашр майдони берилиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилот-

ларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Номзодлар фаолиятида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Номзодларда учрашув ёки йиғилиш ўтказилаётган ҳудуддаги мавжуд муаммолар билан яқинроқ танишиш имконияти пайдо бўлади, сайловчилар олдида мавжуд муаммоларга нисбатан ўз муносабатини билдириш имкони туғилади.

Бу сайловчилар учун ҳам аҳамиятли бўлиб, сайловчи номзоднинг ўзи, унинг дастури билан батафсил танишиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир сайловчи номзодга ўзи истаган саволини бериши, жавоблар олиши, умуман, номзод тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Мазкур ҳуқуқ ҳам жуда аҳамиятли бўлиб, номзодларга сайловчиларни ўзларига жалб қилиш, ўз тарафдорларини кўпайтириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг келгуси фаолият дастурида одатда мамлакат ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, маданий ва иқтисодий соҳаларга оид муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг истиқболини белгилашга йўналтирилган мақсадли режалар ўз ифодасини топади.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради. Улар, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра,

ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳномалар беради. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга 15 нафар ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи номзоднинг бевосита мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, яъни барча сайлов округларида бир вақтнинг ўзида сайловолди ташвиқотларини амалга оширишига имкон яратиш мақсадида берилган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Миллий сайлов қонунчилигида белгиланган номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йилда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро Иттифоқ томонидан 1994 йилда қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофлича очиб берилган.

Масалан, Венеция комиссиясининг Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларида барча номзодларга тенг имкониятлар кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу, жумладан, сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, хусусан, давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишида тенг имкониятлар яратилишини назарда тутати. Парламентлараро Иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги дек-

ларацияси 3-бандида ҳар бир номзод оммавий ахборот воситаларида чиқишда тенг имкониятларга эга бўлиши қайд этилган.

Ўзбекистонда ушбу қоидаларга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амал қилинмоқда ва бу халқаро нормалар тегишли қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг яна бир афзаллиги шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Маълумки, қонунчиликда белгиланган талаб ва қоидалар амалга оширилиши учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилади. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунга асосан Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум яқунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ ва кафо-

латларни муҳофаза қилиш мақсадида жавобгарлик асослари ҳам қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра, сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда одил судлов муҳим омил ҳисобланади. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига асосан сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса, судга ариза бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-

процессуал кодексининг 272-моддасига кўра, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

Номзодлар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, бунинг учун тегишли кафолатларни яратиш мақсадида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 514-моддасида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун, 516-моддасида эса, номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида номзодлар ҳуқуқлари тенг ва адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган. Мазкур кафолатларни таъминлаш учун тегишли тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнида барчага тенг ва адолатли имконият яратиш халқимизга азалдан хос бўлган холислик, ҳалоллик, одиллик тамойиллари билан уйғундир.

Ворислик ҳуқуқи

қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятноминг аҳамияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳаётимизга изчил ва босқичма-босқич асосда кенг татбиқ этиб келинмоқда. Ривожланишнинг ушбу миллий йўли замиридаги беш машҳур тамойил асосида замонавий, маданийлашган, инсонга фаровон турмуш яратиш беришга хизмат қиладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти эл-юртимиз учун истиқболли экани белгилаб олинди.

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Олий суд судьяси

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Конституциямизда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланди. Шунингдек, мулкчилик, ер, уй-жой фондини, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислохотлар давомида бозор муносабатларининг давр талабларига мос равишда тадрижий ривожланишига доимий эътибор қаратилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти кенг қўллаб-қувватланди.

Натижада қисқа вақт ичида фуқаролар қонун билан тақиқланмаган турли шакллардаги кўчмас ва кўчар мулкларнинг эгасига айланди. Уй-жойлар, шунингдек, нотурар-жой бинолари, яъни ошхона, меҳмонхона, савдо дўконлари, корхоналар ва транспорт воситалари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, ер участкалари, фермер хўжаликлари ҳамда чорва моллари шулар жумласига киради.

Маълумки, муқаддас заминимизда яшаб ўтган аждодларимиз асрлар мобайнида хусусий мулкни одат ва ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида тасарруф этиб келган. Бу борада баъзан учрайдиган низоли ҳолатлар оқилона тарзда самарали ҳал

қилинган. Шу жумладан, хусусий мулк эгасининг вафотидан кейин ундан қолган мол-мулк тақдирини белгилаш, уни кимнинг эгалигига беришга ҳам ғоятда жиддий ёндашилган.

Қадимда биргина ер ҳовлиси, уй-жой, рўзғор буюмлари, иш қуроли ва чорва молларига нисбатан хусусий мулкчилик мавжуд бўлиб, шахснинг вафотидан кейин ушбу мол-мулк урф-одат бўйича марҳумнинг фарзандлари эгалигига ўтган. Шунингдек, айрим мажбурият ҳуқуқлари, масалан, марҳум ҳаётлигида олган қарзини қайтариш жавобгарлиги ҳам фарзандлар зиммасига юкланган.

Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда мулкдорлар синфи вужудга келиши асосида мавжуд мулкнинг авлоддан-авлодга ўтишини ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти туғилди. Шу маънода Конституциямизнинг 54-моддасида: "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади", деган қоида мустаҳкамланди.

Айтиш керакки, ушбу конституциявий қоида асосида ишлаб чиқилган ва 1997 йил 1 мартда қабул қилинган Фуқаролик кодексининг V бўлимида мулк эгасининг вафотидан сўнг унинг барча мол-мулки ворисларига ўтишига доир меъёрлар белгилаб қўйилди. Яъни мулкдор ҳаётлик чоғида ўзининг юқорида қайд этилган мулкка нисбатан барча ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланади. Шунингдек, у ҳаётлик чоғида ўз мулкнинг вафотидан кейинги

тақдирини васиятнома қолдириш орқали олдиндан белгилайди.

Айни чоғда амалдаги қонун меъёрларида мулк эгасининг вафотидан сўнг унинг барча мол-мулки ворисларига ўтиши белгилаб қўйилган бўлса-да, васиятнома қолдирилмаган ҳолларда баъзан айни бир мулкни бир неча меросхўр ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ низолар келиб чиқиши, бунинг оқибатида ака-ука, опа-сингиллар ўртасида зиддиятлар юзага келиши ва ўртада меҳр-оқибат йўқолиши ачинарли ҳолдир.

Мерос мулки билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, бу борада низоларнинг келиб чиқишига асосан амалдаги қонун талабларини чуқур англаб етмаслик ва оқибатда ворислар томонидан бир-бирининг қонуний ҳуқуқларини тан олмаслик сабаб бўлмоқда.

Судлар томонидан ўтган йили мерос билан боғлиқ 951 та иш кўриб чиқилиб, шундан 748 та даъво қаноатлантирилган. Лекин **мерос мулкининг ворислар ўртасида қонун асосида тақсимлаб берилиши ҳам барча ҳолатларда низога барҳам беради, деб бўлмайди. Чунки бу бир тараф иккинчи тарафнинг қонуний ҳуқуқларини тан олиши билан боғлиқ бўлиб, баъзан суднинг қонуний ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳам, низо бутунлай барҳам топмаган ҳолатлар ҳам афсуски, ҳаётда учраб туради.**

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, ворисликка доир низоларнинг аксарияти васиятнома қолдирилмаган ҳолларда ва бошқа турдаги низолардан фарқли ўлароқ, фақат яқин қариндошлар ўртасида юзага келади. **Мерос қонуний тарзда васиятнома асосида расмийлаштирилган ва шу асосда ворис томонидан қабул қилинган ҳолларда эса, бу ҳолат кузатилмайди.**

Шунга кўра, мерос билан боғлиқ низоларнинг олдини олиш мақсадида, бу борадаги амалдаги қонунчилик талаблари, ворислик ҳуқуқи ва васиятнома хусусида қуйида батафсил маълумот беришни лозим топдик.

Айтиш керакки, ворислик ҳуқуқи фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусий мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан эркинлиги, манфаатлари ва ҳуқуқлари муҳофазаси

Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани, 36-моддасида эса, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, амалдаги Фуқаролик кодекси меъёрларига мувофиқ, вафот этган фуқаронинг мол-мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат икки ҳолатда қонун бўйича ворисларига ўтади. Биринчидан, фуқаро мулкининг ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини олдиндан белгилаган, яъни васиятнома қолдирган ҳолларда васиятнома асосида унинг мол-мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун бўйича ворисларига ўтишини кўзда тутса, иккинчидан, вафот этган фуқаро васиятнома қолдирмаган ҳол билан боғлиқдир.

Мулк эгаси мулкининг ўзи вафот этганидан кейинги тақдирини олдиндан, яъни ўзи ҳали ҳаётлигида белгилаши мумкин. Бу тегишли тартибда тасдиқланган васиятнома орқали амалга оширилади ва Фуқаролик кодексининг 1120-1133-моддаларида белгиланган васият бўйича ворислик ҳақидаги меъёрлар билан тартибга солинади.

Шуни қайд этиш жоизки, мерос мулки тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш учун **мероснинг очилиши, мероснинг очилиш жойи, мерос таркиби, меросхўрлар ва нолийк меросхўрларни меросдан четлатиш тартибини билиш талаб** этилади.

Мерос очилиши ҳақида сўз борганда, фуқаронинг ўлими ёки фуқарони вафот этган деб топиш мерос очилишига ягона асос бўлишини таъкидлаш жоиз. Мероснинг очилиши маълум бир вақт билан белгиланади. Жумладан, мерос қолдирувчининг ўлган куни, у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган кун, Фуқаролик кодексининг 1116-моддасига кўра, мерос очилган вақт ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 36-моддасида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш асослари қайд этилган. Яъни агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг

яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ, суд уни вафот этган деб эълон қилади.

Ўлим факти фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) идораси томонидан, тегишли тиббиёт муассасасининг фуқаронинг вафот этганлиги ҳақидаги маълумотномаси асосида бериладиган ўлим ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ўлим ҳақидаги гувоҳнома ФХДЁ идораси томонидан вафот этган фуқаронинг қариндошларига вафот этган шахснинг паспорти ўрнига берилади.

Бундан ташқари мерос очилишининг аниқ вақтини белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мерос очилиш вақтини аниқлашда, қонунчилик талабларига мувофиқ, ўлим ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган кун; суд қарорида кўрсатилган мерос қолдирувчи ўлган деб топилган кун; фуқарони ўлган деб топиш ҳақидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган кун ёки ўлим хавфи мавжуд вазиятларда бедарак йўқолган фуқарони ўлган деб топиш ҳақидаги суднинг қарорида кўрсатилган кун ҳисобга олинади.

Мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи **мероснинг очилиш жойи** ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, Фуқаролик кодексининг 1117-моддасида белгиланганидек, мерос қолдирувчига тегишли бўлган **кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланди.**

Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланиши Фуқаролик кодексининг 21-моддасида қайд этилган. Фуқаронинг охириги яшаб турган жойи унинг доимий уй рўйхатида турган жойи ҳақидаги маълумотга кўра, аниқланади.

Ҳаётда баъзан фуқаро маълум бир уйда доимий рўйхатда туради, аммо бутун ҳаёти давомида бошқа аҳоли пунктида яшайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай

вазиятда фуқаронинг ҳақиқатда, яшаган жойи **мерос очилган жой деб ҳисобланади.**

Фуқаронинг доимий яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, унинг **кўчмас мулки жойлашган жой мерос очилган жой деб қаралади.** Яъни бу кўчмас мулкка фуқаронинг эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат асосида аниқланади. Масалан, уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини берувчи олди-сотди шартномаси ва жойлардаги уй-жойларни техник рўйхатдан ўтказиш бюрларининг ушбу уй-жой давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотномаси; техника воситалари жойлашган жой, уларнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли давлат автомобил назорати, трактор-тележка ва бошқа шу каби транспорт воситаларини рўйхатга олиш муассасалари томонидан берилган маълумотнома шундай ҳужжатлар сирасига киради.

Шунингдек, бошқа кўчар мулклар, хусусан, уй жиҳозлари, мебеллар, китоб, тасвирий санъат асарлари бўйича, улар жойлашган манзилдан келиб чиқиб, мерос очилган жой аниқланади. Ушбу мол-мулклар, агар мерос қолдирувчи вафотидан олдин ижарага олган хонадонда бўлса, у жойлашган жой мерос очилган жой ҳисобланади.

Масалан, Самарқанд вилоятининг чекка қишлоғида жойлашган уй-жой ва Тошкент шаҳри марказида жойлашган тўрт хонали квартира марҳумдан мерос бўлиб қолган. Лекин аниқланишича, марҳум ҳар иккала уйда доимий яшамаган, унинг охириги яшаган жойи номаълум. Бундай ҳолатда мероснинг асосий қисмини Тошкент шаҳридаги квартира ташкил этади. Чунки бунда ушбу квартиранинг қиймати қишлоқдаги уй қийматидан бир неча мартаба юқорилиги ҳисобга олинади. Шу асосда, ушбу квартира жойлашган жой мерос очилган жой ҳисобланади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига киради. Бинобарин, фуқароларнинг қонун билан тақиқланмаган барча мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусий мулк сифатида мерос таркибига киради.

Юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай

кооператив, тижорат ташкилотларига аъзолик ҳуқуқи, уларнинг фаолиятида иштирок этиш, агар қонун, шартнома ёки низомда бошқа ҳол белгиланган бўлмаса, мерос таркибига кирмайди. Мерос таркибига мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги ҳар қандай улуши, пай бадаллари киради.

Ҳар қандай мулкнинг мерос қолдирувчининг ўзига тегишли қисми мерос таркибига киради. Масалан, мерос мулки эрхотинга тегишли умумий мулк ёхуд икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликдаги эгалигида бўлган мулкдан иборат бўлса, у ҳолда умумий мулкнинг фақат мерос қолдирувчига тегишли қисми мерос таркибига киради. Мерос қолдирувчининг васияти ҳам, у қандай мазмунда бўлишидан қатъи назар, фақат мулкнинг мерос қолдирувчига тегишли қисмига нисбатан тадбиқ қилинади.

Шунга кўра, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ёки васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштиришда мулкнинг айнан қандай қисми мерос қолдирувчига тегишли эканини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам, Фуқаролик кодексининг 1118-моддасида белгиланганидек, васият бўйича меросхўр бўладилар.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради. Улар қариндошлик доирасига қараб, Фуқаролик кодексининг 1135-1138-моддалари талабига мувофиқ, ворисликка чақириладилар.

Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг болалари, жумладан, фарзандликка олинган болалар, эри ёки хотини ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда кирадилар.

Қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига мерос қолдирувчи-

нинг туғилган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда эга бўладилар.

Мерос қолдирувчининг туғилган аммакиси, яъни отасининг ака ёки укалари, тоғаси, яъни онасининг ака-укалари, аммаси — отасининг опа-сингиллари ва холаси — онасининг опа-сингиллари тенг улушларда **қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига** эгадир.

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича **тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар**. Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси асосида мерос олмаса, бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига кирадилар.

Миллий қонунчиликда нолойиқ меросхўрларни меросдан четлаштириш ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Меросдан четлаштириш ёки мерос олишдан маҳрум қилиш фақат қонунда, хусусан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасида белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу меъёрида, мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан биронтасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва бу орқали ўзининг ёки ўзига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзига ёки ўзига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар шу фарзандларидан қолган мерос мулкига ворис бўлиш ҳуқуқига, шунингдек, мерос қолдирувчини таъминлаб туриш юзасидан қонун асосида ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ота-она (фарзандликка олувчилар) ҳамда вояга етган фарзандлар (фарзандликка олинган-

лар) қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эга эмас. Қонуннинг ушбу талаби васият мажбуриятига ҳамда ҳар қандай меросхўрларга, жумладан, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Мазкур қонун меъёри талабига кўра, нолойиқ меросхўрни ворисликдан четлатиш тегишли манфаатдор шахснинг даъво талабига кўра, суд томонидан ҳал этилади.

Шу ўринда суд амалиётдан мисол келтирамиз. Даъвогар Н.Гулова, А.Гулов, Н.Бакиева ва Л.Пўлатовалар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2005 йилда вафот этган оталари К.Гуловдан уй-жой, автомашина ва уй жиҳозлари мерос бўлиб қолганини, оталари номидан жавобгар — укалари С.Гулов қалбаки васиятнома расмийлаштиргани ҳамда акаси А.Гуловнинг ҳаётига суиқасд қилганини баён қилиб, васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни ва С.Гуловни нолойиқ меросхўр сифатида меросдан четлаштиришни сўраган.

Судда ишни кўриш жараёнида С.Гулов ўзаро жанжал натижасида акаси А.Гуловнинг ҳаёти учун хавfli оғир тан жароҳати етказганлиги, шунингдек, васиятномани қалбакилаштирганлиги юзасидан суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, К.Гулов номидан расмийлаштирилган васиятнома ҳақиқий эмас, деб топилди. Шунингдек, С.Гулов қонун бўйича ўзига тегиши лозим бўлган мерос мулкининг бешдан бир (1/5) қисми миқдорида олиши лозим бўлган меросдан четлаштирилди.

Қонунчиликда вояга етмаганлар ва меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг мерос олиш ҳуқуқи ҳимояланган бўлиб, бу Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида ўз ифодасини топган. Хусусан, қонуннинг ушбу меъёрида **меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар** доираси аниқ белгиланган.

Яъни мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятнома мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мажбурий улуш сифатида мерос

қилиб олиш ҳуқуқига эга. Бошқача айтганда, мажбурий улуш олиш ҳуқуқининг асосий шarti — қонун бўйича вориснинг вояга етмаганлиги ёки меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатидир.

Айтиш керакки, мулк эгасининг ўз мулкининг ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини белгилаш ҳақидаги хоҳиш-иродаси васиятнома орқали расмийлаштирилади. Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига кўра, васиятнома шахсан тузилиши лозим, уни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган ёки кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шунингдек, юридик шахсларга, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиб қолдириши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақлидир. Шунингдек, мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳам ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузгач, у нотариал тасдиқланганидан кейин ҳам уни ўзи истаган пайтда бекор қилишга ва ўзгартиришга ҳақли бўлиб, у бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Амалиётда мерос қолдирувчи томонидан айна бир мулкка нисбатан турли вақтда васиятнома қолдирган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бунда васият қолдирувчининг охириги иродаси сифатида вақт бўйича кейинги қолдирилган васиятнома мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродаси сифатида инobatга олинади, ушбу васиятнома ўзидан олдинги васиятноманинг бекор қилинганини билдиради.

Қонунчиликда мерос қолдирувчининг барча хоҳиш-иродаси назарда тутилган. Шу жумладан, **шартли васиятнома қолдириш** ҳам қайд этилган. Фуқаролик кодексининг 1121-моддасида шартли васиятномага доир қоидалар ўрин олган бўлиб, унга кўра, **васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атвори-**

нинг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.

Масалан, меросхўрнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, олий маълумотли бўлиши, оила аъзоларига ғамхўрлик қилиши, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслиги ёки у мерос қолдирувчининг вафотидан кейин маълум ишларини давом эттириши каби шартлар асосида васиятнома расмийлаштириши мумкин.

Ҳаётда васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, васиятнома бўйича меросни қабул қилмаслиги ёки ундан воз кечиши ҳамда нолойиқ меросхўр сифатида қонунда назарда тутилган тартибда суд томонидан мерос олишдан четлаштирилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб туради. Баъзан эса, шартли васиятнома шартлари меросхўр томонидан бажарилмаслиги ҳам мумкин. Шуларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, Фуқаролик кодексининг 1122-моддасида **ворисдан кейинги ворисни тайинлаш масаласи мустаҳкамлаб қўйилган.**

Мерос қолдирувчи юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб, бошқа меросхўрни, яъни **ворисдан кейинги ворисни тайинлаш ҳуқуқига эга.** Фуқаролик кодексининг талабига мувофиқ, меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин. Бунда васиятнома бўйича меросхўрнинг ўзидан кейинги тайинланган ворис зарарига, яъни бошқа бирон шахс фойдасига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этсак, Маъруф ҳаётлигида нотариал тасдиқланган ҳолда шартли васиятнома қолдириб, унда агар ўғли Қобил спиртли ичимликларни истеъмол қилишни ташласа ва фойдали меҳнат билан шуғулланса, ўзига тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашинасини унга васият қилиб қолдиришини ҳамда набираси, яъни қизи Нодиранинг ўғли Анварни кейинги ворис қилиб тайинлашини кўрсатган.

Спиртли ичимликлар ичишни ташлашга кўзи етмаган меросхўр Қобил мерос очилгач, нотариал идорага мурожаат қилиб, мерос мулки "Нексия" русумли автомашинадан укаси Салимнинг фойдасига воз кечган. Бироқ нотариус ушбу воз кечишни расмийлаштириб, мерос мулки

бўлган автомашинага нисбатан Салимнинг номига мерос гувоҳномаси расмийлаштириб, хатоликка йўл қўйган. Юқорида келтирилган қонун талабига кўра, суд Салимга берилган мерос гувоҳномасини бекор қилган ва васиятнома бўйича ворисдан кейинги ворис Анварни меросхўр деб топиб, низо бўйича қонуний тўхтамга келган.

Қонун мулкдор зиммасига васиятнома қолдириш-қолдирмаслик борасида бирон-бир мажбурият юкламайди. Аксинча, васиятнома тузиш орқали барча мулклари ёки айрим мулкига нисбатан ворис тайинлаш ёки тайинламаслик ихтиёрий, мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб, мерос қолдирувчи ўз мулкининг фақат бир қисмини ўз ичига олган васиятнома расмийлаштириши мумкин.

Ушбу ҳолатда мулкнинг васият қилинмаган қисми тақдири ҳам қонунчиликда ўз ифодасини топган. Бунда Фуқаролик кодексининг 1123-моддаси талабига кўра, мерос мулкининг васият қилинмаган қисми Фуқаролик кодексининг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақириладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Васиятноманинг аҳамияти шундан иборатки, у — жисмоний шахс учун ўз мулкининг ўзи вафот этганидан кейинги тақдирини ўз хоҳиш-иродаси бўйича тасарруф қилишининг ягона усулидир. Ҳар қандай шахс нафақат ўзи ҳаётлигида, балки вафот этганидан кейин ҳам фарзандлари яхши ва тинч-тотув яшашларини ис-тайди.

Васиятнома қолдириш орқали шахс биргина ўзининг мол-мулки борасида фармойиш бериб қолмай, шу орқали ўзидан кейинги авлодларининг тинч-осойишта, фаровон ва ҳамжихат ҳаёт кечиришларини таъминлаши мумкин.

Айтиш керакки, васиятнома қолдирилмаган ҳолатларда бутун мол-мулкни қонун бўйича ворислар ўртасида тенг тақсимлаш лозим бўлади. Албатта, фарзандлар аҳил-иноқ бўлиб, мол-мулкни тақсимлашда бир-бирига ён берса, бу яхши. Лекин улар бир-бирининг ҳуқуқини тан олмаса, меросхўрлар ўртасида натура ҳолида бўлиб бўлмайдиган айни бир кўчмас мулк, масалан, уй ёки кўчар мулк — автомашинани улар ўртасида тақсимлашда, қай бирига натура ҳолида қолдириб,

қай бирига улушини пулда беришда низо келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Шу ўринда яна шуни айтиш лозимки, ота-она вафотидан кейин мулк таллашиб, бир-бирига тескари одамларга айланиш ҳалқимиз маънавиятига ёт ҳолат бўлсада, бугунги кунда ворислар ўртасида баъзан низо келиб чиқаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Бошқа турдаги низолардан фарқли ўлароқ, ворисликка доир низоларнинг аксарияти васиятнома қолдирилмаган ҳолларда ва фақат яқин қариндошлар ўртасида юзага келади.

Масалан, ота томонидан васиятнома қолдирилмаган ҳолатда мерос мулки ҳисобланган биргина автомашинани икки ўғил ўртасида тақсимлаш лозим. Уларнинг ҳар иккаласи автомашинани натура ҳолида олишни хоҳлайди. Меросни эгаллаш борасида уларнинг ҳар иккаласи бир хил ҳуқуққа эга.

Бундай ҳолатда мерос қолдирувчи — ота томонидан автомашинани улардан бирига қолдириб, иккинчи ўғилга эса, автомашина баҳосининг ярмини бериш ҳақида васият фармойиши берилиши низо келиб чиқишининг олдини олади.

Мисол учун васиятнома қолдирмаган отанинг вафотидан кейин унинг икки ўғли ўртасида барча мол-мулк — уй, автомашина ва хусусий дўконни қонун бўйича ворислик асосида тенг ҳиссада бўлиш борасида низо келиб чиққан, дейлик. Бундай ҳолда васиятнома қолдириш орқали эса, уй ва автомашинани улардан бирининг, дўконни иккинчисининг эгаллигига берилиши орқали ушбу низонинг олдини олиш мумкин.

Айтиш керакки, васиятнома тузиш ва уни расмийлаштиришда Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида кўрсатилган васиятнома шаклига доир қоидаларга қатъий амал қилиш лозим. Қонун талабига кўра, нотариал тасдиқланган васиятномалар ҳамда нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан,

нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Аммо Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида кўрсатилган "бошқа шахс" сифатида қуйидаги шахслар, яъни нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс; васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, набиралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари; тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар васиятномани имзолаши мумкин эмас.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар мавжуд бўлган ёки васиятнома тузилишида қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолларда тегишли манфаатдор шахс васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш ва васиятномани бекор қилиш бири-биридан фарқ қилади. Васиятнома бўйича мерос олувчи ёки суд қарори билан васиятноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишидан манфаатдор бўлган шахс мерос очилганидан кейин васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво қўзғатиши мумкин.

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини бекор қилиш ёки ўзгартириш талабини қўйишга ҳақлидир. Васиятнома расмийлаштиришда Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатга олинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида" - ги Йўриқнома талабларини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур йўриқномада васиятномаларни тасдиқлашга доир қатор талаб ва тартиблар белгилаб берилган. Жумладан, ушбу йўриқноманинг 18-бобида нотариуслар муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро шахсан тақдим этган васиятномаларни тасдиқлаши, битта васиятномани бир неча шахс номидан, шунингдек, вакил орқали

расмийлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, мулк ўз фойдасига васият қилинаётган фуқаро васият қилувчининг ўзи томонидан илтимос қилинмаган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда васият тузилаётган вақтда иштирок этиши мумкин эмаслиги, агарда шундай илтимоснома мавжуд бўлганда, бу ҳақда васиятноманинг ҳар икки нусхасига ёзилиб, нотариуснинг имзоси ва нотариал идора муҳри билан тасдиқланиши лозимлиги борасида кўрсатмалар берилган.

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан, яъни ёзув машинкаси, компьютер ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олганининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланади. Бундай васиятнома махфий ҳисобланади. Васият қилувчи махфий васиятноманинг ҳақиқий саналмаслик хавфини бартараф қилиш учун ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланади. Гувоҳлар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ва доимий турар жойини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўяди. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Юқорида баён қилинган нотариал тасдиқланган васиятномани тасдиқлашда амал қилиниши лозим бўлган тартиб ва қоидалар нотариал тасдиқланган васият-

номага тенглаштирилган васиятномаларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида нотариусдан ташқари қўйидаги мансабдор шахслар васиятнома тасдиқлашга ваколатига эга экани кўрсатилган. Яъни касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйлариининг раҳбарлари ёки бош врачлари; Ўзбекистон Республикаси байроғи остида сузиб юрган кема капитанлари; қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялар бошлиқлари; ҳарбий қисм командирлари; озодликдан маҳрум этиш жойлари ёки қамоқда сақлаш муассасаси бошлиқлари; нотариус бўлмаган аҳоли пунктларидаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) васиятнома расмийлаштириш ваколатига эга.

Қонунда кўрсатилган ушбу шахслар рўйхати қатъий бўлиб, уни кенгайтириб талқин қилиш мумкин эмас. Фақатгина қонунда айнан кўрсатилган мансабдор шахслар васиятнома тасдиқлаш ваколатига эга. Уларнинг топшириғига асосан бошқа шахс, даволовчи врач, бўлим бошлиғи, кема капитанининг ёрдамчиси, экспедиция бошлиғининг муовини, қисм командирининг ўрнига бўлинма бошлиғи, муассаса бошлиғининг ўринбосари бундай ваколатга эга ҳисобланмайди.

Қонунда кўрсатилган мансабдор шахслардан бошқа шахслар томонидан васиятнома расмийлаштирилиши унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Шунингдек, қонунда кўрсатилган васиятномани тасдиқлаш ваколати берилган мансабдор шахсларга ҳам ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай фуқаронинг васиятномасини тасдиқлаш ваколати берилмаган.

Юқорида санаб ўтилган мансабдор шахсларнинг қайси ҳолатда, ким томонидан қолдирилаётган васиятномани тасдиқлаши ҳам қонунда, хусусан, Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида аниқ баён қилинган. Касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг васиятномасини ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш

муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, юқорида қайд этилган қонунда Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги сузиб юрган кемалардаги фуқароларнинг васиятномасини ана шу кема капитанлари; қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедицияларда иштирок этаётган фуқароларнинг васиятномасини шу экспедиция бошлиқлари; ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг васиятномаларини ҳарбий қисмларнинг командирлари; озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг васиятномаларини тегишли муассаса бошлиқлари; нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг васиятномасини қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар фуқаролар йиғини раиси(оқсақоли) томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Васиятнома тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар васиятномани тасдиқлаш жараёнида шахсан ўзи васият қолдирувчининг шахсини, унинг муомалага лаёқатлилигини аниқлаши талаб қилинади. Васиятнома бевосита васият қилувчининг иштирокида тасдиқланиши ва "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддаси талабига кўра, бир нусхаси васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги нотариал идорага юборилиши лозим.

Васиятномани расмийлаштиришда, келгусида низо келиб чиқмаслиги учун, қонун ҳамда бу борадаги қўлланма талабларига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатга олинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома, Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2231-сон билан рўйхатга олинган "Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тас-

диқлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома ҳамда "Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсақоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланма қоидаларига қатъий амал қилиниши лозим.

Бундан ташқари васиятнома матни ва мазмунида чалкашлик ва турли хил тушунмовчиликларга йўл қўйилмаслиги, васиятномани талқин қилишга эҳтиёж туғдирмаслик учун юқорида қайд этилган қўлланма иловасида келтирилган васиятнома шаклларига доир қоидаларга риоя қилиш керак.

Қонунда назарда тутилган мансабдор шахслар биргина васиятномани гувоҳлантириш билан чекланиб қолмасдан, балки васият қилувчи ёки унинг ёзма аризасифармойишига биноан васиятномани бекор қилиш, ўзгартириш бўйича ҳам маълум ҳаракатларни амалга ошириши тақозо этилади.

Бунда, Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига кўра, васиятноманинг барча нусхалари йўқ қилиниши мумкинлиги, васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилиши кераклиги, васиятномани бекор қилиш ҳақида нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алфавитли дафтарга ёзиб қўйилиши ва уни имзо ҳамда муҳр билан тасдиқлаш талаб қилиниши каби ҳолатларга эътибор қаратиш зарур.

Васиятнома тасдиқлаш ваколати берилган шахсдан Фуқаролик кодексининг ворилик ҳуқуқига доир меъёрларини ҳамда юқорида қайд этилган қўлланма талабларини билиш ҳамда унга риоя этиш талаб қилинади.

Ва, ниҳоят, Фуқаролик кодексининг 1128-моддасида васиятномани сир сақлашга доир меъёр мустаҳкамланган. Яъни нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Бу қоида ҳам, васиятнома ким томонидан тасдиқланганидан қатъи назар, барча васиятномаларга бирдек тааллуқлидир.

Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умۇзтироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва улар ижросини таъминлаш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина "Хабеас корпус" институтининг миллий қонунчилигимиздан мустаҳкам жой олгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур институтнинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини англаб етиш учун, аввало. унинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиш жоиз.

«Хабеас корпус» ИНСТИТУТИ

уни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш ҳақида

Муҳаммадали НАЗАРОВ,
Олий суд судьяси

Маълумки, хорижий мамлакатларда жиноий таъқибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи "Хабеас Корпус" дея номланади. Бу атама 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун — "Хабеас Корпус Акт" атамасидан олинган. Мазкур атама лотинчадан таржима қилинганда "шахсни (судга) келтириш" деган маънони англатади. Ушбу қонун Буюк Британиянинг конституциявий актларидан бири ҳисобланиб, 21 моддадан иборат. Унда фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари, шахснинг дахлсизлиги, қамоққа олиш ва айбдорни судга жалб этиш тартиби қамраб олинган. Мазкур тарихий қонун ўз даври ва кейинги даврларда ҳам инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи кафолати сифатида, аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунларида

ўз аксини топиб, кейинчалик дунё мамлакатлари қонунчилигида ҳам ўзининг теран ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизни халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, хусусан, "Хабеас корпус" институти талабларига мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишларни бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олади. Бунда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва одил судлов тизими амалга татиб этилди. Яъни ушбу даврда мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва бошқа кодекслар, шунингдек, соҳага оид бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич 2001-2012 йиллардан иборатдир. Бу давр мобайнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини

ҳимоя қилишда суд ҳоқимиятининг ролини янада ошириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини кучайтириш, қамоққа олишга санкция бериш, айбланувчини лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ва коллатларини судларга ўтказиш, амнистия актини суд тартибида қўллаш, адвокатура институтини, ижро ишини юритишни ва процессуал қонунчиликни такомиллаштириш каби бир қатор муҳим вазифалар ўзининг ҳуқуқий ечимини топди.

Учинчи босқич 2012 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади. Бу давр мобайнида суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш, судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар, хусусан, судьялик лавозими-га номзодлар танлашнинг янги механизмлари яратилди. Айни чоғда ушбу

йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонга асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асосан амалга оширилади-ган бўлди.

Айтиш керакки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар ваколатига ўтказилиши Конституциямизнинг 19, 25-моддалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган меъёрларга мос бўлиб, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўз навбатида, Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори бу борада ягона суд амалиётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда "Хабе-

ас корпус" институтининг ўз вақтида ва пухта ўйлаб жорий этилгани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Айтиш керакки, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ тизимида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилиб, 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизими янада ислох қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлланиб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексига эҳтиёт чораларининг янги

тури, яъни уй қамоғи жорий қилинди.

Ушбу қонунга мувофиқ, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёши, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборатдир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса ҳам уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин.

Уй қамоғи эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси каби фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судларнинг ажримига асосан амалга оширилади.

Конституциямизнинг 19-моддасидаги фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, деган меъёр ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда "Хабеас корпус" институ-

тини янада такомиллаштириш ва уни қўллаш соҳасини кенгайтириш мақсадида, келгусида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш таклиф этилади.

Яъни суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш мақсадида, Жиноят-процессуал кодексидан назарда тутилган бир қатор процессуал ҳаракатларни, хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 158-моддасидаги тинтув ўтказиш, 166-моддасидаги почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, Жиноят процессуал кодексининг 21-бобида белгиланган телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, Жиноят процессуал кодексининг 290-моддасида белгиланган мол-мулкни хатлашни фақат судьянинг санкцияси асосида ўтказиш ва қўллаш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ваколатларнинг судларга ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини янада кучайтириш имконини беради.

Шунингдек, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини вояга етмаган шахсларга нисбатан қўллашнинг алоҳида қоидаларини, аниқроғи, вояга етмаган шахсни ушлаб туриш, унга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи каби эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан судга илтимоснома тақдим этиш, суд томонидан ушбу илтимосномани кўриб чиқиш, вояга етмаган шахсни қамоқда ёки уй қамо-

ғида сақлаб туриш, қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб туришни узайтиришнинг алоҳида процессуал муддатларини қонунчилигимизга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритиш, уларга нисбатан жазо тайинлаш, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш каби бир қатор масалаларда алоҳида қоидалар, таъбир жоиз бўлса, алоҳида инсонпарварлик муносабатлари белгиланган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Жиноят процессуал кодексининг 558-моддасида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки уй қамоғини вояга етмаган шахсга нисбатан қўллашнинг алоҳида тартиби белгиланган. Унга кўра, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вояга етмаган шахсга нисбатан беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши, ушбу эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда прокурор иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, илтимосноманинг асослилигини текшириши, ҳодисанинг фавқуллоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчинини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши шартлиги белги-

ланган.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирда вояга етмаган шахсни ушлаб туриш муддати, унга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи каби эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан судга илтимоснома тақдим этиш муддати, суд томонидан ушбу илтимосномани кўриб чиқиш муддати, вояга етмаган шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб туриш муддати, қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб туриш муддатини узайтириш каби масалалар жиноят процессуал қонунидаги умумий қоидалар асосида ҳал қилинмоқда.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан ушбу масалаларни кўриб чиқишнинг алоҳида процессуал муддатларини белгилаш "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари судга қадар иш юритиш босқичида айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари, шунингдек, уй қамоғи эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши борасида бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд Пленумининг қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтганда, келгусида "Хабеас корпус" институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш одил судлов самарадорлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

Суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш: бугунги натижалар ва истиқбол режалари

Мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, изчил ҳамда қатъият билан одимлаётган мамлакатимизда фуқароларнинг судларга мурожаатлари кун сайин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг мустаҳкам кафолатлаб қўйилгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ана шу ҳуқуқий кафолатлардан самарали фойдаланиш учун юрtdошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Х. ЁДГОРОВ

Шу билан бирга, жамиятимизнинг тобора янгилашиб бориши ва жадал тараққий этиши, юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг кенг татбиқ қилиниши туфайли фуқароларимизнинг хусусий мулк эгаси бўлиши учун қулай имкониятлар юзага келди. Натижада бугунги кунда ҳамюртларимиз уй-жой ва транспорт воситалари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, тураржой ва нотурар-жой бинолари, корхона ва фермер хўжаликлари каби қонун билан тақиқланмаган кўплаб турдаги мулкларнинг эгасига айланди. Бу,

ўз навбатида, хусусий мулкни тасарруф этишга таллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида судларга мурожаатларнинг ортишига олиб келди.

Энг муҳими, кейинги йилларда фуқароларнинг суд тизимига ишончи кучайгани уларнинг судларга мурожаатлари ошиб боришида ўзига хос омил бўлмоқда. Хусусан, 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 минг 734 та фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2014 йилда 217 минг 147 та иш кўрилган ва улар юзасидан 965 минг 182 та суд буйруғи чиқарилган.

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар

умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича 75 та туманлараро ва туман (шаҳар) судлари фаолият юритмоқда. Ўтган йили битта судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми 126 тадан ортиқ фуқаролик иши ва 565 та суд буйруғини ташкил этгани ҳам ана шу судларга фуқаролар томонидан кўплаб мурожаатлар қилинганини яққол кўрсатиб турибди.

Табиийки, фуқароларнинг судга мурожаатлари ошиб бораётган бир вақтда фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Агар бу борадаги хорижий амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги вақтда Жанубий Корея, Малайзия каби давлатлар суд тизими фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ўтган даврда бу борада муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган **"Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирда муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур дастурга асосан судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол

хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда **"Фуқаролик суд ишларини юритишни ислоҳ қилиш: самарали суд бошқаруви"** қўшма лойиҳаси доирасида "E-Sud" миллий электрон суд иши юритуви тизими ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу замонавий электрон суд иши юритуви тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда.

"E-Sud" тизимининг қулай ва афзал жиҳатлари шундаки, у ўзига хос ишлаш тартиби ва имкониятларга эга. Бу эса, жумладан, интерфаол суд хизматини йўлга қўйиш ҳамда ортиқча сансалорликларни камайитириш имконини беради. Тизимнинг "Суд портали" ёрдамида фуқаролик ишлари бўйича судларга Интернет тармоғи орқали даъво аризалари билан мурожаат қилиш ҳам мумкин. Тизимга кириш, ундан фойдаланиш учун эса, фойдаланувчи электрон рақамли имзо ёки "ID.UZ" тизими орқали рўйхатдан ўтиши ҳамда шахсини тасдиқлаши лозим.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари-

га келаётган ахборотларни йиғиш, сақлаш ва саралашни, яъни категориялашни автоматлаштириш мақсадида даъво аризаларини топшириш чоғида даъвогар низо категорияси ва ариза турини танлайди. "E-Sud" тизими даъво аризаси турини танлашда низо судда кўриб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни сўрайди.

Даъво аризаси мақоми ўзгарган ҳолларда, яъни уни қабул қилиш рад этилганда ёки ариза ҳаракатсиз қолдирилганда ёхуд кўриб чиқишга қабул қилинганда ушбу маълумот суд веб-саҳифасида акс эттирилади. Натижада суднинг тегишли ажримини компьютер орқали ушбу тизимда кўриш, юклаб олиш ҳамда нашр қилиш имкони пайдо бўлади.

"E-Sud" тизимининг яна бир қулайлиги шундаки, томонларнинг даъво аризаси топширилишига қадар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан тегишли масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар суд амалиёти билан танишиб ва ўрганиб чиқиш ҳамда даъво аризаларини қаноатлантириш эҳтимолини баҳолаш учун суд қарорлари кутубхонасида сақланади. Унда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган бўлиб, тизимнинг ўзи процессуал актни "депер-

сонализация" қилади, содда қилиб айтганда, ҳужжатнинг қайси шахсга тегишли эканини яшириш чораларини кўради.

"Электрон суд иши юритуви" да фуқаролик ишлари электрон тарзда бошқарилади. Бу судларда ишни электрон ҳолда ўрганиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш имконини беради. Айни чоғда, мазкур тизим кутиш залига уланиб, муайян кунларда кўриб чиқилаётган фуқаролик ишларининг рўйхати, суд залининг рақами ҳамда ишни кўриб чиқаётган судьянинг исм-шарифи монитор орқали кўрсатиб борилади.

"E-Sud" тизимининг "Электрон ҳисобот" и эса, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳисоботларини автоматик тарзда шакллантиришга мўлжалланган. Тизим йўлга қўйилгач, судлар томонидан кўрсатиладиган бир қатор хизматлар интерфаол шаклга ўтказилади. Даъво аризалари ва илтимосномаларни тузиш, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, ишнинг судда кўриладиган куни ва вақти ҳақидаги маълумотларни ҳамда ажримлар ва суд актларини олиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита Интернет орқали амалга оширилади.

Ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий ва қулай воситала-

ри орқали даъво аризалари, илтимосномаларни топшириш, кўрилаётган ишнинг мақоми ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган процессуал актларни олиш кўлами кенгаяди. Шунингдек, судлар ва суд ижрочилари ўртасида маълумот алмашинуви тезлашади. Бу ўз-ўзидан суд қарорлари ижросини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судлар харажатларини камайтириш, томонларни судда ишни кўриб чиқиш санаси ва вақти ҳақида тезкор хабардор этиш имкониятларини тубдан оширади.

Шу ўринда "E-Sud" миллий электрон суд иши юритуви тизимидан фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди фаолиятида фойдаланиш борасида муайян ижобий тажриба тўпланганини қайд этиш жоиз. Хусусан, ўтган қисқа даврда бу ерда "E-Sud" тизими орқали электрон шаклда судга мурожаат қилиш тартиби ва қарор нусхалари, суд чақирув қоғозларини ва бошқа ҳужжатларни юбориш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида биргина 2014 йилда 23 мингтадан зиёд суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалар электрон шаклда қабул қилинди. Шу билан бирга, суд буйруқлари электрон тартибда чиқарилиб, уларнинг нусхалари ҳам ундирувчиларга элект-

рон тарзда юборилмоқда.

Албатта, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш амалдаги процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Шунга кўра, кейинги даврда судларга мурожаат қилишни янада соддалаштириш, фуқаролик ишлари бўйича судларда электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, хусусан, судга аризалар ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш ҳамда суд чақирув қоғозларини, суд қарорлари нусхаларини ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш тартибини амалда жорий этиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда.

Шу асосда миллий қонунчиликка бу борада тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан қонун лойиҳаси тайёрланди. Фуқаролик суд иш юритувини такомиллаштиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади фуқаролар ва суд ўртасида электрон ҳужжат алмашинувининг процессуал тартибини жорий этишдан иборатдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг ўттиздан ортиқ моддасига (1, 73, 132, 133, 135, 137, 138, 149, 154, 177,

223, 228, 231, 238⁹, 238¹⁰, 264, 271, 272, 275, 278, 309¹⁰, 319, 322-324, 346, 348⁴, 348⁵, 348¹⁶, 360, 367 ва 368-моддаларига) ариза ва мурожаатларни ҳамда суд қарорларини электрон тарзда беришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Шу ўринда ушбу масаланинг яна бир муҳим томонига эътибор қаратиш жоиз. Гап шундаки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 132-моддаси талабига кўра, судья чақирув қоғози билан бир вақтда жавобгарга аризанинг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт.

Мазкур кодекснинг 150-моддасига мувофиқ, судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилди. Судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогардан аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Худди шундай тартиб апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ўрнатилган бўлиб, бунда судлар ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини жавобгарга юбориш бўйича маълум ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Бу эса,

судларнинг ариза ва бошқа ҳужжатлар нусхаларини юбориш кўринишидаги ўзига хос бўлмаган вазифа билан шуғулланишига олиб келмоқда.

Шу маънода, суд тизимида электрон тартибда мурожаат қилиш тартибини жорий этиш ва ариза нусхасини электрон шаклда тақдим этиш имконияти мавжудлиги муносабати билан юқорида қайд этилган процессуал нормалар ўз долзарблигини йўқотди.

Айтиш керакки, Германия, Франция, Жанубий Корея каби ривожланган давлатлар суд тизими амалиётида ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш даъвогарнинг зиммасига юклатилган бўлиб, у даъво билан бирга жавобгарга мазкур ҳужжатларни юборганини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этади. Шундай процессуал норма Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига ҳам мавжуд.

Шу боис юқорида тилга олинган қонун лойиҳасида фуқаролик суд иши юритувини янада такомиллаштириш, суд чиқимларини камайтириш, судни ўзига хос бўлмаган функциялардан халос этиш ва айна мақсадлар йўлида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган бир

қатор янги нормалар кўзда тутилган.

Жумладан, суднинг ариза ва бошқа ҳужжатларни томонларга қайта юбориш функцияларини миллий қонунчилик моддаларидан чиқариш мўлжалланмоқда. Бу функцияни даъвогар зиммасига юклаб, унинг судга ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бошқа томонга юбориш (топшириш) фактини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш мажбуриятини қонунийлаштириш мақсадида амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 132, 150, 230, 309⁵, 325, 327, 328, 348⁶, 348⁸, 348⁹, 353 и 355-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик суд иши юритуви тезкорлигини янада кучайтириш ва қулайлигини ошириш, суд процесси иштирокчилари харажатларини ва суд чиқимларини камайтиришга қаратилган чораларни амалга оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчил жорий қилиниши, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини тубдан кенгайтиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалга жорий этилгани, суд ишларини апелляция инстанциясида кўриш тартиби амалга киритилгани, кассация ва назорат инстанциялари янада такомиллаштирилгани, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тавсия этишнинг энг демократик тамойиллари жорий этилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани, санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши каби чора-тадбирларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилгани суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

Судьялар мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси

амалда тўлиқ таъминланмоқда

Мусахон АСАТУЛЛАЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
Академияси тингловчиси*

Айниқса, бу борада давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 30 ноябрда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрда "Судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда судьяларга уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги ва 2013 йил 2 августдаги "Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилинганини алоҳида қайд этиш керак.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур қонун ҳужжатлари моҳият-этибори билан суд тизими ходимларини ижтимоий ҳимоялаш орқали судлар му-

стақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судловни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали муҳофаза этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Айни чоғда юқорида номлари келтирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини изчил таъминлаш, судларнинг нуфузи ҳамда давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ судьяларнинг ойлик иш ҳақи ўртача икки баробар оширилди, Конституциявий суд, умумюрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг хизмат вазибаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ тўловидан озод қилинди.

Ўз навбатида Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан судьяликка номзодлар ўқув ва стажировкани ўташ даврида асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳ-

нат вазифаларини бажаришдан озод қилинди. Бу жараёнда юқори малакали, катта ҳаётий тажрибага, обрў-этиборга ва зарур иш стажига эга бўлган ҳуқуқшунослар орасидан энг муносибларини танлаб олиш ва судьяликка номзодлар захирасига киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш борасидаги бундай кўламли чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам судларнинг том маънодаги мустақиллигини, фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият олиб боришларини таъминлашдан иборатдир.

Албатта, судьялар ва судьяликка номзодларни ижтимоий муҳофаза қилиш хусусида сўз борар экан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга алоҳида тўхталиш жоиз. Мазкур Низом тижорат банклари томонидан судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредити бериш тартибини белгилайди.

Бундан ташқари "Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан доимий яшаш жойидан бошқа минтақада фаолият кўрсатаётган судьялар ижара тўловлари билан таъминланмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, судьяларга бола икки ёшга тўлунгача уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътил тугагунга қадар мунтазам равишда ажратиб борилади.

Албатта, бундай ғамхўрлик замирида ҳам судьяларни маиший муаммо-

лардан халос этиб, уларнинг касбий билим ва салоҳиятини одил судловни амалга оширишга йўналтиришдек олижаноб мақсад мужассамдир.

Шунинг баробарида, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги "Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Маълумки, ушбу қарорга асосан ваколат муддати тугаган судьялар янги муддатга қайта тайинлангунга ёхуд сайлангунга ёки янги иш жойига жойлашгунга қадар уч ойгача уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. 2014 йил мобайнида ваколат муддати тугаган 39 нафар шахс 3 ойлик компенсация тўлови билан таъминлангани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ушбу қарорнинг 2-бандида судьяликка номзодлар захирасига олинган ҳамда махсус курсларда ўқиш ва тегишли судларда стажировкадан ўтиш учун юборилган бошқа шахарлик шахсларга ўқиш стажировка даврида қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарларида белгиланган тартибда ва миқдорларда суткалик пул тўлови тўланади ва уй-жой ижараси ҳамда ўқиш (стажировка) жойгача бир марталик келиш ва асосий иш жойига қайтиб бориш харажатлари қопланиши назарда тутилган. 2014 йил мобайнида судьяликка номзодлар захирасига киритилган жами 166 номзод шундай имтиёздан унумли фойдаланиб, ўзининг касбий билим ва малакасини оширишга муваффақ бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, судьялар, судьяликка номзодлар ва суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг мантиқий давоми бўлибгина қолмай, одил судлов сифатини янада ошириш, судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият олиб боришини таъминлаш имконини беради.

Эҳтиёт чораси тариқасида уй қамоғи тушунчаси ва моҳияти

Аюб МУҲАММАДИЕВ,

Юристар малакасини ошириш маркази
ўқитувчиси, юридик фанлар доктори

Маълумки, жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати ва уни такомиллаштириш истиқболлари Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида суд одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён эканлиги, шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талаби эканлиги, бу энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлилиги, бугунги кунда жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келганлиги қайд этилган. Президентимиз таъкидлагани-

дек, бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман.

Бу фикр Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармонида айрим қонун ҳужжатларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш ҳуқуқини судларга ўтказиш, судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча кафолатларни белгилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш талаби илгари сурилган муайян қоида шаклида ўз ифодасини топди.

Маълумки, Конституциямизнинг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари

дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган. Шу муносабат билан жиноят судлов процессининг вазифаларидан бири шахсни унинг ҳуқуқ ва эркинлигини ноқонуний ва асоссиз чеклашлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Айтиш керакки, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган қонун билан Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғини жорий этишга қаратилган янги 242¹-модда киритилди. Унга кўра, уй қамоғи суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёши, соғлиғи ҳолати, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Мазкур моддага биноан уй қамоғи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳаракатланиш эркинлиги билан боғлиқ чекловларда, шунингдек, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа во-

ситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойни тарк этишни чеклашда ифодаланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Қисқаси, уй қамоғининг моҳияти суд томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳаракатланиш эрки билан боғлиқ бўлган, шахсни жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйишга зарурат бўлмаганида, тақиқ ва чекловлар ўрнатилишида ифодаланади.

Айтиш жоизки, эҳтиёт чораси тариқасидаги "уй қамоғи" тушунчаси ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича талқин этилади. Масалан, С.И. Ожегов луғатида уй қамоғи бу чеклаш, жазо шакли тариқасида уйдан чиқишни тақиқлаш, дея изоҳланади. Д.И.Ушаков таҳририда чиқарилган изоҳли луғатда эса, уй қамоғи бу ўзининг квартирасида қамоқда ушлаб туриш, дея таърифланади. В.Даль эса, уй қамоғини уйдан чиқмасликка буйруқ бериш деб изоҳлайди.

Жиноят процессуал кодексининг 242-моддасига мувофиқ:

- эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғи Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик

оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади;

- алоҳида ҳолларда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин:

- айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

- ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

- илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

- ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

- жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида.

Ушбу эҳтиёт чорасининг ўзига хослиги биринчидан, гумон қилинув-

чи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Шунингдек уларнинг соғлиғи ҳолатини инобатга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгилаш мумкин. Иккинчидан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиши суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш тизимига эҳтиёт чораси тариқасида киритилган уй қамоғи гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан ажралган ҳолда чекланган ҳудудда, эркин ҳаракатланиш, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойни тарк этиш тақиқланган ҳолда мажбурий тарзда бўлиб туришига қаратилган.

Эҳтиёт чоралари тизимига қамоққа олиш эҳтиёт чорасига муқобил тарзда уй қамоғи эҳтиёт чорасининг киритилиши мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этилаётганининг ёрқин далилидир.

Жиноят ишини тугатиш асослари

уни жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мутаносиблиги

Аввало шуни қайд этиш жоизки, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш билан бирга жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жавобгарликнинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ.¹

Бахтиёржон МУРОДОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Катта илмий ходимлар-изланувчилар
институтининг бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлар номзоди, доцент*

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жиноят содир этган шахснинг ахлоқан қайта тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришда фоят устувор аҳамият касб этади. Жиноят кодексининг 10-моддасида белгилаб қўйилганидек, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жиноят содир этган шахсга ўз қилмишининг салбий жиҳатлари ва унинг аянчли оқибатини англаб этиш ва амалда чин кўнгилдан пушаймон бўлиш имконини беради.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 16-моддасида жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган ҳуқуқий оқибат сифатида қайд этилган.²

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жавобгарлик тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида жиноий жавобгарлик — айбдорга нисбатан жазолаш шаклидаги

давлат мажбурлов чорасини қўллашдан иборат эканлиги қайд этилган.³ Ҳуқуқшунос олимлар Р.Қобулов ва А.А.Отажоновларнинг фикрича эса, жиноят учун жавобгарлик деганда, ижтимоий хавfli қилмиш содир этишда айбдор деб топилган шахснинг суднинг айблов ҳукмига асосланган ҳамда жазо тайинлаш ёки тайинламаслик ёхуд жиноят ҳуқуқи оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа чораларини қўллашга асосланган салбий оқибатларига мажбурий дучор бўлиши тушунилади.⁴ М.Усмоналиев эса, жиноий жавобгарлик шахснинг жиноят ҳуқуқи билан тақиқланган қилмишнинг содир этишда ифодаланган хулқи учун жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллаб, жавобгар қилишдан иборат, дея қайд этади.⁵

Эътиборлиси шундаки, "жиноий жавобгарлик" тушунчасига нисбатан берилган таърифларнинг мазмунида "жиноий жавобгарликдан озод қилиш" масаласи ўз ифодасини топмаган. Бу эса, жиноят ҳуқуқи назариясида жавобгарликдан озод қилиш институти жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига зид эмаслиги масаласи юзасидан ягона тўхтам мавжуд эмаслигини англатади.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Молдова Республикаси ва бошқа давлатлар қонунчилигида бу каби коллизия кузатилмайдиган. Ушбу давлатларнинг жиноят қонун-

чилигида жавобгарликнинг муқаррарлиги масаласи алоҳида принцип сифатида тўғридан-тўғри қайд этилмаган.⁶

Ш.Бердиевнинг фикрича, қонунлар ўртасида вужудга келган ушбу коллизия ҳолатнинг олдини олиш учун Жиноят кодексининг 2-моддаси иккинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён қилиш лозим: "ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принциплари, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди".⁷ Билдирилган тақлиф асосли бўлса-да, лекин мавжуд коллизия ҳолатни тўлиқ бартараф эта олмайди. Зеро, жавобгарликдан озод қилишни жиноят қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этсак-да, унинг мазмунан жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpigа зид келиши сақланиб қолаверади.

Маълумки, жиноят қонуни нормаларини ўз вақтида, асосли ва ўрнатилган тартибда барчанинг қонун олдида тенглигидан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши фуқаролар онгида қонунларга нисбатан ҳурмат ва итоаткорлик руҳининг шаклланишига ҳамда жиноят ҳуқуқининг энг муҳим вазифалари бажарилишига хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, жиноят қонунчилиги меъёрлари вазифаларининг тўлиқ бажарилиши учун ҳамма вақт ҳам шахсни жиноий жавобгарликка тортиш талаб этилмайди. Айрим ҳолларда эса, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят қонуни олдида турган вазифаларнинг бажарилишида энг самарали усул ҳисобланади. Чунончи, "Қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш", "Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан

озод қилиш", "Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш" шулар жумласидандир.

Бу масалага ойдинлик киритиш учун "жавобгарликнинг муқаррарлиги" принципнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур англаб этиш лозим. Фикримизча, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциpi шахсга жиноий жазо чоралари қўлланилиши мажбурийлигини эмас, балки ҳар бир содир этилган жиноий қилмишнинг аниқланиши, айбдорларнинг фош этилиши ва уларнинг ўз қилмишига пушаймон бўлишига хизмат қилиши лозим. Ушбу принципнинг айнан шу мазмунда талқин этилиши қонунчилик меъёрлари ўртасидаги коллизия ҳолатга барҳам беради ва шунинг баробарида амалдаги жиноят қонунига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади. Жумладан, Жиноят кодексининг 10-моддасини қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш лозим: "Ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш бундан мустасно".

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тавсияларимиз дастлабки терговда жиноят ишини тугатиш давомида жиноий-ҳуқуқий ва бошқа қонун нормаларини жиноят-процессуал қонун нормалар билан мутаносиб ҳолда қўллаш имконини беради.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчилик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т.: Ўзбекистон, 2002. - 36-б.

² Жиноят кодексининг 8-бўлимида "бошқа ҳуқуқий таъсир чораси"га берилган изоҳда ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи назарда тутилмаган.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. Парчин - Солик. Таҳрир ҳайъати М.Аминов, Б.Ахмедов ва б. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002 - Б.603.

⁴ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري) / Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. -Б. 182-183.

⁵ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. (М. Усмоналиев.-Т., "Янги аср авлоди", 2005, Б.30.)

⁶ 1996 йил 13 июнда қабул қилинган Россия Федерацияси Жиноят кодекси, 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган Молдова Республикаси Жиноят кодекси.

⁷ Бердиев Ш. Жиноий жавобгарликдан озод этиш масалалари. Монография / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоевнинг таҳрири остида. - Т.: "Сано-стандарт" нашриёти, 2011. Б. 45.

Шартли ҳукм қилиш институтининг аҳамияти

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида амалдаги қонунларни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, одил судловни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мухтор ҲАКИМОВ,

Олий суд ҳузуридаги

Таққиқот маркази бўлим бошлиғи

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Мазкур институтнинг мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, шартли ҳукм қилиш жазо ҳисобланмайди ва маҳ-

кумни жазодан озод этишни англатмайди. Шартли ҳукм қилишнинг ижтимоий аҳамияти шунда кўринадикки, бу чора маҳкумни жамиятдан ажратмай ўрнатилган ҳуқуқ тартибот талабларига тезроқ мослашувига ва тузалиш йўлига ўтишига имкон яратади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра, шартли ҳукм қилинганда, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан ушбу органларда рўйхат-

дан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Мазкур институтга доир амалдаги қонунчиликни таҳлил қиладиган бўлсак, синов муддати ўз хусусиятларига кўра, маҳкумнинг тузалиши мақсадида жазони қўллаш хавфи орқали унга ўтказиладиган психологик таъсир чораси ҳисобланади. Бундай таъсирнинг давомийлиги суд томонидан танланган чоранинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун етарли бўлиши керак. Айни бир пайтда Жиноят кодексининг 45-моддаси 4-қисмига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда, унинг ўталиши муддатини ҳисоблаш ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошланади. Жиноят кодексининг 72-

моддаси 2-қисмида эса, синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, дея қайд этилган. Яъни бу ўринда шахсга нисбатан чиқарилган айблов ҳукмига кўра, асосий жазо сифатида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан қўшимча жазо тариқасида тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддатини ҳисоблаш ўртасида фарқ мавжудлигини кўриш мумкин. Бундай номувофиқлик қўшимча жазонинг давомийлигини синов муддатидан камроқ ёки унга тенг бўлишини белгилаб қўйишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 45-моддасига тегишли қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айтиш керакки, дунёнинг ривожланган давлатлари қонунчилигида шартли ҳукм қилишда белгиланадиган синов муддатини узайтириш тўғрисидаги қоида ҳам кўзда тутилган. Бу институт шартли ҳукм қилинган шахс зиммасига юклатилган мажбуриятни ёки жамоат тартибини бузганда, қўлланилади. Айни пайтда Жиноят кодексининг 72-моддаси 6-қисмига биноан, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизими-

ни бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Лекин юклатилган мажбуриятлар шартли ҳукм қилинган шахсинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолларда (масалан, оғир касаллик, ҳомиладорлик ва бошқалар.) ҳам бажарилмаслиги мумкин. Шунларни ҳисобга олиб, алоҳида ҳолларда ёхуд энгиллаштирувчи ҳолатларда, жумладан, шартли ҳукм қилинганнинг вояга етмаган ёшдалиги, оғир касаллиги, шартли ҳукмнинг бекор қилинишининг маҳкум оиласига салбий таъсири, қарамоғида ёш болаларнинг борлиги, ҳомиладорлик каби ҳолатлар бўлган тақдирда синов муддатини бир йилгача узайтириш ҳақида Жиноят кодексининг 72-моддасига қўшимча киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 72-моддаси 1-қисми мазмунига кўра, суд шартли ҳукмни озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари тайинланганда, қўллаши

мумкин. Шартли ҳукм ўзининг юридик табиати-га кўра, асосий жазони ўташдан шартли озод қилиш ҳисобланади. Шунга кўра, Жиноят кодексининг 72-моддасини қамоқ ва жарима каби тайинланган асосий жазоларга нисбатан ҳам шартли ҳукм чиқариш тўғрисидаги қўшимча билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шартли ҳукм қилиш институти тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу жазо чораси муайян шартлар асосида жазо ўташдан озод қилишнинг кўриниши эканлигини, унинг реал ўташ учун тайинланадиган жазо чорасидан бир қанча жиҳатлари билан фарқлинишини эътиборга олиб қўллаш шартли ҳукм самарасини оширишга ёрдам беришини таъкидлаш лозим. Шартли жазони қўллашдан мақсад маҳкумни суд ҳукми билан тайинланган асосий жазони ўтамасдан туриб ҳам уни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, шартли ҳукм қилишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида илгари сурилаётган таклиф-тавсиялар шартли ҳукм қилиш институти самарасини янада оширишга хизмат қилади.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаганлиги, манфаатдор шахслар ишга жалб қилинмаганлиги ҳамда кассация инстанцияси судининг ажримда баён қилинган кўрсатмалар бажарилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

С.Шакарова жавобгар Ш.Сулаймановга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ш.Сулаймановдан 2011-2012 йилларда банк орқали юборилган 9.500 АҚШ доллари, 143.000 Россия рубли ва 15.000.000 сўм маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2014 йил 25 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, Ш.Сулаймановдан С.Шакарова фойдасига 20.810.700 сўм, давлат фойдасига 4.162.140 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 18 сентябрдаги ажрими билан суд қарорига ўзгартириш киритилиб, Ш.Сулаймановдан С.Шакарова фойдасига 19.883.200 сўм, давлат фойдасига 3.979.640 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 3 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

Аниқланишича, С.Шакарова Ш.Сулайманов билан Россия Федерацияси, Москва шаҳрида бирга ишлаб юриб танишган ва бир квартирада яшаган.

Биринчи инстанция суди С.Шакарованинг даъво талабини қаноатлантиришда Ш.Сулайманов ва бошқаларга халқаро пул ўтказмалари орқали пул келиб тушганлиги ҳақидаги маълумотларга асосланган.

Суднинг ушбу хулосаси барвақт бўлиб, низони тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланмаган. Хусусан, Ш.Сулайманов ва бошқалар номига юборилган пуллар ким томонидан нима мақсадда юборилганлиги аниқланмаган ва 2011 йил 24 мартдаги маълумотномада К.Жўраева томонидан Ш.Сулаймановга 200 АҚШ доллари юборилганлиги кўрсатилган бўлса-да, К.Жўраевани ишга жалб қилиш чоралари кўрилмаган.

Даъвогар томонидан А.Рўзиевга 200 АҚШ доллари юборилганлиги ҳақидаги 2012 йил 10 мартдаги маълумотнома ишга икки марта тикилган бўлиб, суд томонидан ушбу 200 АҚШ доллари икки марта ҳисобланиб, даъвогар фойдасига ундириш белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 317-моддаси 1-қисми талабига кўра, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрим ёки қарорида баён қилинган кўрсатмалар мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Биринчи инстанция суди ишни янгидан кўришда вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 1 майдаги ажрими кўрсатмаларини бажармаган.

Суд, даъвогар томонидан пул юборилган фуқаролар Д.Жўраева, А.Рўзиев, А.Маманов, А.Норов, О.Юсупов ва Д.Ваитовларни манфаатдор шахс сифатида ишга жалб қилиш ва даъво талабига нисбатан уларнинг муносабатини аниқлаш чораларини кўрмасдан, барча жўнатилган пулларни Ш.Сулаймановдан ундириш билан чекланган.

Тарафлар ўртасида пулларни қарзга ёки омонатга бериш тўғрисида ёзма тарзда шартнома тузилмаган. Ш.Сулаймановнинг суд мажлисида берган кўрсатмаларидан кўринишича, даъвогар томонидан юборилган пуллар ўзининг иш ҳақи бўлиб, ушбу пулларни ўзи ишлаб топган.

Суд томонидан мазкур қарама-қаршиликлар бартараф қилиниб, даъвогар томонидан кимга тегишли бўлган пуллар,

кимлар учун, нима мақсадда юборилганлиги аниқланмаган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди С.Шакаротнинг даъво талабини қаноатлантиришда Ш.Сулаймановнинг 9.500 АҚШ доллари олганлиги ҳақидаги тушунтириш хатидан келиб чиқиб, жавобгар даъво тарафини тан олганлигига асосланган.

Ш.Сулайманов тушунтириш хатида 9.500 АҚШ доллари олганлигини билдирган бўлса-да, унга С.Шакарот томонидан шунча миқдорда пул берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас.

Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддасига кўра, жавобгарнинг даъво тарафини тан олганлиги суд мажлиси баённомасига киритилиши ҳамда баённома даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланиши белгиланган.

Суд томонидан қонуннинг мазкур талаби қўпол равишда бузилиб, Ш.Сулаймановнинг даъво тарафини тан олганлиги суд мажлиси баённомасига киритилмаган ва баённома тарафлар томонидан имзоланмаган.

Бундан ташқари С.Шакаротнинг 2014 йил 26 августдаги тилхатида қарз масаласида Ш.Сулайманов билан келишганлиги, ундан 2.000 АҚШ доллари олганлиги, пул бўйича даъво қилмаслиги билдирилган бўлса-да, судлар ушбу ҳолатга аниқлик киритмаган.

6-405-14-сонли ажрим

Суд ишни кўришда иш ҳолатларини, тарафларнинг ўзаро муносабатларини тўлиқ аниқламаганлиги ва процессуал хатоликка йўл қўйганлиги сабабли суд қарори бекор қилиниб, даъвогар даъво талабидан воз кечганлиги боис фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилди.

Даъвогар Ф.Зокирова жавобгар У.Зокировга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан фарзандининг таъминоти учун моддий ёрдам пули ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2013 йил 24 июлдаги ҳал қилув қарори билан Ф.Зокировнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, У.Зокировдан унинг фойдасига 2012 йил 26 сентябрда туғилган ўғли Бўронбекнинг моддий таъминоти учун 2013 йил 5 июлдан 2015 йил 26 сентябрга қадар ҳар ойда қатъий суммада 40.000 сўмдан моддий ёрдам пули ундириш белгиланган.

Фуқаролик иши апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 13 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, вилоят судининг 2013 йил 24 июлдаги сиртдан чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

Аниқланишича, У. Зокиров билан Ф. Зокировлар 2011 йил 21 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, никоҳларидан 2012 йил 26 сентябрда туғилган Бўронбек исмли фарзанди бор.

Вилоят суди томонидан иш жавобгар иштирокисиз кўрилиб, қатор процессуал хатоликка йўл қўйилган. Хусусан, даъво талабига аниқлик киритилмасдан, бола уч ёшга тўлгунга қадар унинг таъминоти учун ҳар ойда 40 минг сўмдан моддий ёрдам пули ундириш белгиланган. Бунда суд Н.туманлараро судининг 2013 йил 20 июндаги суд буйруғига кўра, У.Зокировдан Ф.Зокирова фойдасига бир нафар фарзанди учун 2013 йил 20 июндан бошлаб то фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойда ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисмидан кам бўлмаган миқдорда алимент ундириш белгиланганлигига эътибор қаратмаган. Суд томонидан Фуқаролик-процессуал кодексининг нормалари нотўғри қўлланилган.

Ф.Зокирова даъво аризасида 2013 йил март ойидан буён ота-онасининг уйида яшаб келаётганлиги, жавобгар фарзандининг моддий таъминотидан хабар олмаслигини, моддий аҳволи оғирлигини баён қилиб, фарзандининг таъминоти

учун жавобгардан моддий ёрдам пули ундиришни сўраган бўлсада, ишни назорат тартибида кўришда даъво талабини қувватламаслигини, ҳақиқатдан ҳам, судга мурожаат қилган вақтида жавобгар кам миқдорда алимент тўлаганлиги ва у пайтда ишламасдан, боласига қараб ўтирганлиги сабабли судга даъво аризаси билан мурожаат қилганлигини, айти пайтда туман шифохонаси туғуруқ бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаётганлигини, бундан ташқари турмуш ўртоғи билан ярашмоқчи эканлигини баён қилди.

Шунингдек, жавобгар У.Зокиров ҳам турмуш ўртоғи билан ярашиб, оиласини тикламоқчи эканлигини, фарзанди ва турмуш ўртоғини ўзи моддий жиҳатдан таъминлаши ҳақида тушунтириш берди.

У.Зокировнинг ота-онаси ҳам ўғли ва келинининг оиласини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўришларини, уларнинг ажрашиб кетишларига бирон-бир сабаб йўқлигини, келинларини уйларида олиб кетишларини билдириб тушунтириш беришди.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 100-моддаси 3-бандига кўра, даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса, иш юритишдан тугатилади.

Суд тарафларнинг вояга етмаган фарзанди таъминоти учун суд буйруғи асосида алимент ундирилганлигини, даъвогар айти пайтда ишлаётганлигини ва даъво талабидан воз кечганлигини, шунингдек, уларнинг ўзаро ярашиш ниятида эканликларини ҳамда даъвогарнинг даъво талабидан воз кечиши унинг ўзи ва бошқа шахсларнинг манфаатига зид эмаслигини инобатга олиб, даъвогар Ф.Зокированинг даъво талабидан воз кечишини қабул қилишни ва шу асосга кўра, иш юзасидан вилоят судининг 2013 йил 24 июлдаги сиртдан чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, фуқаролик ишини иш юритишдан тугатишни лозим, деб топди.

6-329-14 сонли ажрим

Неправильное применение норм материального и процессуального права, неисследованность обстоятельств, имеющих значение для правильного разрешения дела, является основанием для отмены состоявшихся судебных постановлений.

Истец прокурор Н.ского района в интересах Свиридовой С. обратился к ответчику Каюмову С. о взыскании материального и морального ущерба

Решением межрайонного суда по гражданским делам от 28 апреля 2014 года исковые требования прокурора в интересах Свиридовой С. удовлетворены частично.

С Каюмова С. в пользу Свиридовой С. в счёт компенсации морального вреда взыскана сумма в размере 5 000 000 сум и госпошлина в размере 48 1000 сум.

Определением кассационной инстанции областного суда по гражданским делам от 11 июля 2014 года решение межрайонного суда по гражданским делам изменено в части взыскания морального вреда.

Взыскано с ответчика Каюмова С. в пользу Свиридовой С. в счёт возмещения морального вреда сумма в размере 3 000 000 сум.

Определением судебной коллегии Верховного суда по гражданским делам отменены судебные решения по делу и дело направлено на новое рассмотрение, по нижеследующим основаниям.

Установлено, что 21 ноября 2013 года Каюмов С., управляя автомашиной марки "Мерседес-Бенц", принадлежащей ОАО, в нарушение требований п.3.5 ч.3 ПДД при высадке пассажиров из автобуса, зажал дверью автобуса Свиридовой С., в результате чего она получила средне-тяжкие телесные повреждения.

Определением суда по уголовным делам от 25 декабря 2013 года уголовное дело по обвинению Каюмова С. по ст. 266 ч.1 УК РУз в соответствии с п.6 Постановления Сената Олий Мажлиса РУз об Амнистии в связи с двадцатой годовщиной принятия Конституции РУз от 12 декабря 2013 года прекращено. Заинтересованным сторонам были даны разъяснения о праве обращения на возыскание морального и материального ущерба.

При рассмотрении гражданского дела судами были допущены ряд процессуальных нарушений.

Так в заявлении Свиридовой С. приведены доводы о том, что в ходе судебного разбирательства истица подала исковое заявление в суд о возмещении ей материального и морального ущерба с ОАО.

В силу статьи 985 Гражданского кодекса республики Узбекистан вред, причиненный неправомерными действиями (бездействием) личности или имуществу гражданина, а также вред, причиненный юридическому лицу, подлежат возмещению лицом причинившим вред в полном объеме.

Согласно статье 999 Гражданского кодекса Республики Узбекистан обязанность возмещения вреда возлагается на юридическое лицо или гражданина, которые владеют источником повышенной опасности на праве собственности, праве хозяйственного ведения или праве оперативного управления либо на другом законном основании.

Владельцы источников повышенной опасности несут солидарную ответственность за вред, причиненный в результате взаимодействия этих источников третьим лицам по основаниям, предусмотренным частями первой и второй настоящей статьи.

При рассмотрении данного дела судами не выяснен круг лиц, подлежащих привлечению к участию в деле, а именно ОАО как владельца источника повы-

шенной опасности, в которой работает ответчик Каюмов С.

Кроме того, хотя судами указано, что Свиридова С. обратилась с заявлением об отказе возмещении материального ущерба, при этом на заседании суда в пояснениях просила взыскать сумму материального и морального ущерба, причиненного преступлением в размере 10 000 000 сум.

Таким образом, суды не уточнили, действительно ли истица намерена отказать от исковых требований, ей не разъяснены требования статьи 100, 102 ГПК Республики Узбекистан, в материалах дела отсутствует определение суда о прекращении производства по делу.

При таких обстоятельствах суды пришли к преждевременным выводам о частичном удовлетворении исковых требований.

Таким образом судами не полно проверены все обстоятельства по делу, не приняты меры для уточнения исковых требований, а также соответственно не оформлены процессуальные документы.

Согласно ч.2 статьи 314 ГПК Республики Узбекистан рассмотрение дела в отсутствие кого-либо из лиц, имеющих право участвовать в судебном разбирательстве, не извещенных о времени и месте судебного заседания, является основанием для обязательной отмены судебного решения.

В силу требований п.п. 1,3,4 ст.312 ГПК Республики Узбекистан неполное выяснение обстоятельств, имеющих значение для дела, несоответствие выводов суда, изложенных в решении, обстоятельствам дела, нарушение или неправильное применение норм материального права или норм процессуального права являются основаниями к отмене судебного постановления.

Однако судами, при рассмотрении гражданского дела, не были приняты во внимание вышеназванные нормы.

Определение суда 6-433-14

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Судланганнинг ҳаракатлари ортиқча квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 15 августдаги ажрими, шу суд раёсатининг 2014 йил 13 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2014 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ш. Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари билан судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш. туман давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими катта инспектори лавозимида ишлаб келиб, шўъба инспектори И. билан олдиндан тил бириктириб, таъмагирлик йўли билан "Surat Jihoz" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини тугатиб бериш эвазига Т.дан 400 АҚШ доллари беришни талаб қилиб, 2013 йил 4 декабрда И. орқали Т.дан 400 АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Ш.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в" банди билан ортиқча квалификация қилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида, таъмагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга

қасддан туширишдан иборатлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига қараганда, жабрланувчи Т. "Surat Jihoz" масъулияти чекланган жамиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса-да, ДСИ ходимлари Ш. ва И.га бир неча марта учраб, масъулияти чекланган жамияти тоғасига тегишли экани, тоғаси чет элда бўлиб, корхонани тугатиш ишларини унга топширгани, тугатиш учун қандай ҳаражатлар бўлса, тўлашга тайёр эканини айтиб, ёрдам беришини сўраган.

Бу ҳолатда Ш.нинг ҳаракатларини қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида Т.ни пора беришга мажбур этадиган шароитга тушириш, деб баҳолаб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари судлов ҳайъатининг 2015 йил 19 февралдаги ажрими билан Ш.нинг айбидан Жиноят кодекси 210-моддаси 2-қисминининг "в" банди чиқарилиб, суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назорат иши № 5-123-15

Судланганнинг ҳаракати нотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 2 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2013 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра, Б. Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан, Жиноят кодексининг 45, 57-моддалари қўлланиб, 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. жазони

ижро этиш муассасаси тартибот бўлими тезкор вакили масъул мансабдор шахс лавозимида ишлаб келиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкум М.га ноқонуний энгилликлар яратиш, белгиланган тартибдан четга чиқиб, қариндошлари билан телефон орқали сўзлашувига рухсат бериш эвазига ундан пора талаб қилиб, 2013 йил январь ойида М.нинг таниши Д.дан 100.000 сўмлик аёллар этигини, 2013 йил 19 июнда маҳкум М.ни жазони ижро этиш муассасасидан манзил колонияга чиқишига кўмаклашиш эвазига Д.дан 500 АҚШ доллари, «Нокия-206» русумли уяли телефон ҳамда ҳарбий форма учун мўлжалланган 3,5 метр газламани пора тариқасида олганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида, пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга оширадиган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммаларига юклатилган ҳуқуқ ва ваколатлар, шунингдек, айбдор ишлаган ташкилотнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қонунчиликда шахсни масъул мансабдор шахс деб топиш учун унинг давлат корхонасида, муассасада ёки ташкилотда ташкилий — фармойишли ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ лавозимга эгаллиги ва унинг ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳаракатларни содир этишга ваколати муҳимлиги белгиланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Б. жазони ижро этиш муассасасида тартибот бўлими тезкор вакили ла-

возимида ишласа-да, мустақил тарзда хизмат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлмасдан, унга жиноят иши қўзғатиш, барча ёхуд кўпчилик фуқаролар ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган фармойишлар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ваколатлар берилмасдан, чекланган ваколат асосида хизмат вазифасини бажариб келган.

Бундай ҳолда, Б.нинг ҳаракатларини масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш сифатида баҳолаб бўлмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 29 январдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Б.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" бандидан шу модда 2-қисми "а,в" бандларига қайта квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши № 5-3-15

Судлангanning ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 15 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2014 йил 22 майдаги ҳукмига кўра, К. Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми, 25,273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари 961.050 сўм миқдорида жарима, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазолари-

га судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2014 йил 26 январь куни ИИБ ходимлари томонидан К.нинг хонадонидан ўтказилган тинтувда, томорқасида етиштирган "марихуана" ўсимлигини 2014 йил октябрь ойида юлиб олиб, қуритиб сақлаб келаётгани аниқланган. К. мазкур 321,2 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорида, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга укол қилиш ва ҳоказолар) тушунилиши, айбдорнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсади борлиги масаласини ҳал этишда, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилишни истисно этадиган миқдорда топилганлиги, гиёҳвандлик воситалари маълум ўлчамда қадоқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларнинг махсус жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги ва ҳоказоларни инобатга олиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Дастлабки тергов жараёнида тергов органининг алоҳида топшириғига асосан ўтказилган тезкор суриштирув ҳаракатлари натижасига кўра, К. гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш ва сақлаш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган.

Судга оид наркология экспертизаси К. гиёҳвандлик касаллиги билан оғриши ҳақида хулоса берган.

К. дастлабки тергов ва судда, аввалдан гиёҳвандлик воситасини ис-

теъмол қилиб келгани, омборхонасидан топилган гиёҳвандлик воситасини ҳам истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келгани ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А. судда, 2014 йил 26 январь куни ўтказилган тинтув жараёнида, К. омборхонасидан целлофан пакетга ўралган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан олиб чиқиб, ИИБ ходимларига топширгани, К. "марихуана"ни томорқасида экиб етиштиргани ва ўзи истеъмол қилиб келишини билдиргани ҳақида кўрсатма берган.

Ишда К.ни гиёҳвандлик воситасини бирон-бир шахсга сотишга ёки ўтказишга суиқасд қилганини исботловчи далиллар мавжуд эмас.

Суд томонидан қайд этилганлар эътиборга олинмасдан, К.нинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилиш сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 8 январдаги ажрими билан К.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмидан Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилиниб, унга шу модда билан 3 йил, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари 961.050 сўм миқдоридан жарима ҳамда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиб, 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия акти 1-бандининг "в" кичик бандига асосан тайинланган жазолардан озод қилинди.

Назорат иши № 5-9-15

Оммавий айблов – айбловнинг тури сифатида

Тергов, прокуратура ва суд органлари жиноятларни очиш, тергов қилиш, ишларни кўришда ўз функциясини бажарар экан, фақат қонун асосида ва қонун билан белгиланган процессуал тартибда ҳаракат қиладилар. Жиноят ишини юритаётган давлат органлари ҳамда ишда қатнашаётган шахсларнинг барча процессуал ҳаракатлари жиноий-процессуал фаолиятни ташкил этади. Жиноий-процессуал фаолиятнинг мақсади — жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, айбдорларни фoш қилиш, қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлашдан иборат.

Дилнавоз БЕКМАТОВА,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

Жиноят процесси субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқий ҳолати "жиноий-процессуал функциялар" деган тушунча билан тўлдирилади. Мазкур функцияларнинг ичида айблов (жиноий таъқиб) функцияси ўзига хос ўрин эгаллайди.

Жиноят-процессуал функция ва фаолият йўналиши сифатида жиноий таъқиб айбловни шакллантириш, уни далиллар билан асослантириш, айб эълон қилиш ва айбловнинг ўзгариши, жиноят ишини айблов хулосаси тузиш билан якунлаш, уни прокурор томонидан тасдиқлаш ҳамда ишни судга юбориш каби процессуал ҳаракатларни ўз ичига қамраб олади. Судда эса, жиноий таъқиб давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, жабрланувчи томонидан айбловнинг, фуқаровий даъвогар томонидан фуқаровий даъвонинг қувватланиши, агар айблов тарафи ҳукмдан норози бўлиб, жиноий таъқибни давом эттирмоқчи бўлса, апелляция ва кассация тартибида ҳукм ус-

тидан шикоят қилиш орқали амалга оширилади.

Содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва оғирлигига боғлиқ ҳолда, жиноий таъқиб оммавий, хусусий-оммавий, хусусий ва оммавий-хусусий айблов тартибда амалга оширилади.

Юқорида қайд этилганларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: жиноий таъқибни қўзғатиш ва уни тугатиш субъекти; жиноий таъқибни амалга оширувчи субъектда ҳоқимият ваколатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; жиноий таъқибни амалга ошириш усуллари ва процессуал чораларининг ўзига хос хусусияти; процессуал мажбурият чораларини қўллаш доиралари. Жиноятларнинг аксарият қисми оммавий айблов тартибида таъқиб қилинади.

Шу ўринда Жиноят процессуал кодексини "Жиноий таъқиб" деб номланган 3¹- боб билан тўлдириб, унда жиноий таъқибни амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар, жиноий таъқибнинг турлари ва жиноий таъқибни юритиш мажбуриятига оид қуйидаги моддаларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: 39¹-модда. Жиноий таъқибнинг турлари. Жиноий таъқиб, шунингдек, ишларни суд муҳокамасида кўриш, содир этилган жиноят таснифи ва унинг оғирлигига кўра оммавий, хусусий-оммавий, хусусий ва оммавий-хусусий тартибда юритилади. Оммавий айблов терговчи томонидан шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқаришдан бошланиб, айб эълон қилиш, айблов хулосаси тузиш ва тасдиқлашни ўз ичига олади. Оммавий айбловга доир ишлар жиноят ишларининг аксарият қисмини ташкил этади. Жиноят кодексининг 118-моддаси биринчи қисми ва 119-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят ишлари эса,

хусусий-оммавий айбловга, унча оғир бўлмаган, жиний тажовузнинг объекти фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳисобланадиган жиноятлар (Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар) хусусий айбловга, 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари (Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бундан мустасно) оммавий-хусусий айбловга тегишлидир. 39²-модда. Жиний таъқибни юритиш мажбурияти. Оммавий ва оммавий-хусусий айблов ишлари бўйича жиний таъқибни давлат номидан прокурор, терговчи ва суриштирувчи амалга оширади. Жабрланувчи, унинг қонуний вакили, шунингдек, фуқаровий даъвогар хусусий, хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича айбланувчини жиний таъқиб қилишда иштирок этишга, ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда айбловни шакллантириш ва қувватлашга ҳақлидир. Содир этилган жиноят корхона, муассаса ва ташкилотлар манфаатларига таъсир этган ҳолларда, улар ўз вакиллари орқали жиний таъқибда иштирок этишга ҳақлидирлар.

Оммавий жиний таъқиб жиноят содир қилган шахснинг айбини фош қилишга йўналтирилган жиний таъқибнинг кенг тарқалган шаклларида бири бўлиб, жиноят процессининг замонавий шаклини намоён қилади.

Жиний таъқибнинг асосий қисми дастлабки тергов органлари томонидан амалга оширилади. Дастлабки тергов органларига прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати терговчи-

лари киради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш учун жабрланувчи розилик бериш ёки бермаслигидан қатъи назар, жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиний таъқиб қўзғатиш мажбуриятини амалга оширади. Чунки фуқароларни жиний тажовузлардан муҳофаза қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг муҳим ва маъсулиятли вазифаси ҳисобланади. Бу тамойил жиноят процессининг барча босқичларига ҳамда жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширадиган барча органларга тааллуқлидир.

Жиноят ишини қўзғатиш - жиноят процессининг дастлабки босқичи бўлиб, у жиний таъқиб доиралари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш шартларини белгилаб беради.

Ҳуқуқшунос олим Б.М.Сергеев таъкидлаганидек, жиноят ишини қўзғатиш жиноят процессининг дастлабки босқичидир. Айнан жиноят ишини қўзғатишдан ҳар битта алоҳида иш бўйича жиноят процесси бошланади. Ҳеч қайси жиноят иши бу босқични четлаб ўта олмайди.¹

"Жиноят ишини қўзғатиш, — деб ёзган эди Н.С.Манова ва Ю.В.Францифоров, — жиноят процессида судгача бўлган жараённинг таркибий қисми сифатида ўзида жиноят тўғрисидаги маълумотни олиш ва расмийлаштириш, зарур ҳолларда эса, ушбу маълумотда дастлабки терговни бошлаш, жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад қилиш учун асослар мавжудлигини текшириш бўйича қонун билан тартибга солинадиган фаолиятни намоён қилади. Судгача бўлган ушбу босқичнинг асосий вазифаси жиноят ишини қўзғатиш учун зарур бўлган шартларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ҳисобланади".²

Жиноят процессуал кодексининг 321-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асос бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жиноят-судлов ишларини юритишнинг мустақил босқичи сифатида жиноят ишини қўзғатиш фақат жиноят ишини

қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад қилишдан иборат бўлмай, у муайян қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилмаган процессуал фаолиятни ҳам ўз ичига олади. Мазкур процессуал фаолиятга қуйидаги масалаларни ҳал қилиш киради: 1) содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги маълумот жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши ёхуд бўлмаслиги; 2) келиб тушган фактик маълумотларда жиноят содир қилинганлиги ҳақидаги белгиларнинг мавжудлиги; 3) уни қайси модда билан тавсифлаш лозимлиги; 4) олинган маълумотларнинг ҳақиқийлиги қандай фактик маълумотлар орқали тасдиқланиши; 5) олинган хабар юзасидан текшириш ўтказиш керак ёки керак эмаслиги; 6) воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, шунингдек, гувоҳлантириш ёки суд экспертизасини ўтказиш заруриятининг мавжудлиги; 7) аризани олган ваколатли орган ёки мансабдор шахс мустақил равишда жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқига эгаллиги; 8) жиноятнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш лозимлиги.

Жиноят процессуал кодексининг 36-моддаси иккинчи қисмига асосан, жиноят ишларини тергов қилишда унинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақидаги барча қарорларни терговчи мустақил равишда қабул қилади (қонунда прокурорнинг рухсатини олиш лозим бўлган ҳоллардан ташқари) ҳамда уларнинг қонуний ва ўз вақтида ижро этилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади. Терговчи жинойи таъқибни амалга ошира туриб, тергов ҳаракатларини бажаради ва етарли далиллар тўпланганидан сўнг шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этади.³

Шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш жиноят-процессуал тушунча бўлиб, ўзида давлатнинг айбланувчини огоҳлантириш ҳуқуқи мавжудлигини намоён қилади. Шунингдек, у давлат ва айбланувчи ўртасидаги жинойи-ҳуқуқий низонинг мазмунини белгилаб, айбланувчини айбдор, жиноятчи деб тан олиншини билдирмайди. Шу сабабли "жинойи жавобгарликка тортиш" ва "айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш" тушунчаларини ўзаро

тенглаштириш салбий оқибатларни юзга келтириши мумкин.

Дастлабки терговнинг маълум бир босқичида муайян шахс томонидан жиноят содир қилинганлиги ҳақида етарли далиллар тўпланганда, терговчи шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисида асослан-тирилган қарор чиқариб, унга айб эълон қилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолат, яъни терговчи, прокурорнинг айбланувчига айб эълон қилиши Жиноят процессуал кодексининг 361-моддасидан ўрин олмаган. Шунинг учун Жиноят процессуал кодексининг 361-моддасининг биринчи қисмини "Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради ва айбланувчига айб эълон қилади. Қарорда:" деган тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда Н.Қўшаевнинг дастлабки терговни айбланувчига айб эълон қилиш билан тамомламасдан, унга ҳимояланиш имконини бериш зарурлиги ҳақидаги тавсияларини ҳам қўллаб-қувватлаймиз.⁴

Шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар акс эттирилади:

1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;

3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди.

Шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш вақтида терговчи далилларни ўз ички ишончига кўра, баҳолаб, жинойи қилмиш ҳақиқатан ҳам, муайян шахс томонидан содир қилинганлиги ҳақидаги хулосага келади. Терговчининг тахминий хулосалари шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорнинг асосига қўйилиши мумкин эмас.⁵

"Ушбу процессуал ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб жиноят ишида процесснинг

янги иштирокчиси — айбланувчи пайдо бўлади. У ҳимоя ҳуқуқининг субъекти, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи жиноят-судлов ишларини юритишнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади".⁶

Терговчи ваколатли мансабдор шахс сифатида муайян шахсга маълум жиноят содир қилганликда айб эълон қилади. Шу пайтдан бошлаб Жиноят процессуал кодексининг 213-моддасига кўра, у процессуал мажбурлов чораларидан бирини танлаш ҳуқуқига эга.

"Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаб бериш мақсадида терговни олиб бораётган шахс айбланувчини дарҳол сўроқ қилиши лозим".⁷ Айбланувчини сўроқ қилиш қонун билан тартибга солинган тергов ҳаракати бўлиб, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговчининг айбланувчи билан бўлган суҳбатини ўз ичига олади.⁸ Терговчи айбланувчини фақат эълон қилинган айб юзасидан сўроқ қилиши лозим.

Жиноят процессуал кодексининг 96-моддасига кўра, суриштирувчи ёки терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда, суд эса, суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади.

Айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан терговчи эҳтиёт чораларини қўллаш масаласини ҳал қилиб, барча зарур тергов ҳаракатларини ҳам амалга оширади.

Жиноят процессуал кодексининг 362-моддаси иккинчи қисмига асосан, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси ҳамда 84-моддаси биринчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган айбланувчини реабилитация этиш учун асос бўладиган ёки ишни юритиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади. Айбловни тугатиш ҳақида терговчи қарор чиқаради.

Демак, Жиноят процессуал кодексининг 372-моддасига биноан, дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чо-

раларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади.

Жиноят процессуал кодексининг 83-84-моддаларида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганида (реабилитация учун асослар — жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса; айб-лилик ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш учун асослар — шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, амнистия акти чиқарилган бўлса ва ҳоказо.) жиноят иши ва шахсга нисбатан амалга оширилаётган жиноий таъқиб ҳам тугатилади.

Терговчи Жиноят процессуал кодексининг 379-моддасига биноан, айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят ишидаги барча материаллар билан таништириб бўлгач, айблов хулосаси тузади. Айблов хулосаси билан жиноят ишини тамомлаш дастлабки терговни тамомлашнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади.

Айблов хулосаси жиноят очилгани ва уни содир этган шахс фош этилгани ҳақида, ишни судга юбориш зарурлиги тўғрисидаги якуний ҳужжатдир.⁹ Юридик адабиётларда таъкидланишича, "Айблов хулосаси — дастлабки тергов натижаларини ўзида мужассамлаштирган, айбланаётган шахснинг ҳаракатларини тегишли тартибда Жиноят кодексининг қайси моддаси билан тавсифланаётганлигини ва шу айблов айнан қайси далил ва исботлар билан тасдиқланганлигини, айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатлар нималардан иборат эканлигини, умуман айтганда, далиллар таҳлилини ўзида акс эттирган муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади".¹⁰

Айблов хулосаси суд муҳокамасида кўрилиши лозим бўлган жиноят ишининг айблов доирасини белгиловчи процессуал ҳужжатдир. Шунинг учун у холис ва аниқ бўлиши, юридик асослантирилиши, шунингдек, услубий ва грамматик

талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Айблов хулосаси тузиб бўлинганидан сўнг терговчи томонидан имзоланади ва Жиноят процессуал кодексининг 381-моддасига асосан жиноят иши дарҳол прокурорга юборилади.

